Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 6 (20. 273) • 1989 йил 7 январь, шанба • Баҳоси 3 тийин.

БЕШ ЙИЛЛИКНИНГ ТЎРТИНЧИ ЙИЛИ

ДАСТЛАБКИ КУНЛАРДАН— ЗАРБДОР СУРЪАТ!

ХИМИКЛАРНИНГ ЯНГИ МАҲСУЛОТИ

«Навоиазот» ишлаб чиқариш бирлашмасининг «Нитрон» заводида янги маҳсулотнинг тажриба туркуми ишлаб чиқарилди. Бу — металлаштирилган тола бўлиб, ундан саноат корхоналари янги товарлар, шунингдек ўзгармас антистатик хусусиятга эга бўлган турли рўзғор буюмларини ишлаб чиқаришда фойдаланадилар.

ЯНГИ ОМУХТА ЕМ

Қўқон ёғ-мой комбинатида ишлаб чиқариш чиқитларидан донадор омухта еминнинг тажриба туркуми тайёрланди. У чигит пўстлоғи, узум шроти ва бошқа чиқитлардан иборат.

Корхона директори Ю. Ёқубов рецептига мувофиқ тайёрланган бу тўйимли озуқани ишлаб чиқариш учун корхонани қайта жиҳозлаш талаб қилинмайди. Омухта ем комбинатнинг ёрдамчи хўжалигида синаб кўрилди ва у яхши самара берди.

Корхона бу йил Фарғона водийсидаги фермаларга ўн беш минг тоннага яқин арзон ем жўнатади.

(ЎзТАГ).

● ЗАМОНДОШИМИЗ

ДАЛА ИШҚИ

Унинг касби трактортчилик. Шу боисдан у ҳамиша жонажон совхозининг поёни йўқ далалари билан деярли ҳар куни учрашади, сўзлашади, дардлашади. Она ер бағридаги саховатларни эл-юртга ҳадя этишда шу зайлда фидокорлик кўрсатади.

Бағдод районидаги «Москва» совхозининг моҳир механизатори Алижон Мамашоев ўз меҳнати билан катта обрў топди. Хўжаликнинг ҳар бир ютуғида унинг ҳам ҳиссаси анчагина. Ерларни сифатли ҳайдаш, экинларни парвариш қилишдан тортиб, то ҳосилни йиғиштириб олишгача бўлган заҳматли ишларнинг ҳаммасида унинг фаол иштироки бор.

Шу кунларда хўжалик деҳқонлари янги ҳосил ташвиши билан яшамоқдалар. 2330 гектар майдонда «оқ олтин» етиштириш мўлжалланмоқда. Ҳар гектар ердан 30 центнердан ҳосил кўтариш кўзланяпти. Ана шу катта ниятга бел боғлаб турган азаматлар орасида Алижон Мамашоев ўрни ўзгача.

Алижон кўпчилик ишончини оқлайдиган йигит. У область Советининг депутати сифатида ҳам эл-юртга хизмат қилмоқда. Бағдод район партия конференциясида уни партия комитети бюроси аъзолигига сайлашди. Бу фидокор, меҳнаткаш механизаторга билдирилган яна бир катта ишонч эди.

Суратда: Алижон Мамашоев.

Т. ҲАМРОҚУЛОВ фотоси.

БОҒЛАР— ТЎКИНЛИК МАНБАИ

БУНГА ЭРИШИШ УЧУН НИМАЛАРГА ЭЪТИБОР БЕРИШ КЕРАК?

Мамлакатимизда авж олиб кетган қайта қуриш барча соҳаларда бўлгани каби агросаноат комплексида ҳам тармоқларни интенсивлаш ҳисобига озиқ-овқат маҳсулотлари, хусусан, мевасабзавот етиштиришни кескин ошириш ва шу маҳсулотларга халқимизнинг тобора ошиб бораётган талабини қисқа вақт ичида тўла қондириш вазифасини қўймоқда.

Лекин шуни очиқ эътироф этиш керакки, республикамиздаги қатор районлар, колхоз ва совхозларда боғ ва токзорларнинг аҳволи қониқарли эмас. Шу сабабли мева ва узум ҳосилдорлиги ортиш ўрнига пасайиб кетаётир. Масалан, жамоат секторида 1987 йилда ҳар гектар ердан 39,1 центнер ёки 1985 йилдагидан 4,4 центнер кам мева олинди. Узум ҳосилдорлиги эса 1985 йилдагидан 6,6 центнер кам бўлиб, гектар бошига атиги 60,6 центнерни ташкил этди, холос.

Аҳолини йил бўйи сара мева-чевалар билан таъминлашдаги узилишлар, етишмовчиликлар меҳнаткашларнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлмоқда. Кўриниб турибдики, халқимизга етарли миқдорда сара маҳсулот етказиб беришнинг ҳозирги аҳволи сира қониқарли эмас. Шунинг учун вазият боғбон ва соҳибкорлардан ўз ишларида кескин бурилиш ясаб, мева, узум етиштиришни яхшилаш чораларини кўришни тақозо қилаётир. Бунинг учун нималарга эътибор бериш керак?

Аввало тармоқдаги аҳволи учун район агросаноат бирлашмалари, хўжаликларнинг раҳбар ва мутахассисларининг масъулияти ҳамда ташаббускорлигини ошириш, деҳқончилик маданиятини кўтариш, мавжуд боғ ва токзорларни ўз вақтида суғориш, ўгитлаш, касаллик ва зараркунандаларга қарши самарали воситалар ёрдамида кураш олиб боришни ташкил этиш лозим. **Ҳамма боғ ва токзорлардаги ўсимликларни парваришлашда олимларнинг кўп йиллик тадқиқотлари ва илғорларнинг тажрибаларига асосланган, республиканинг асосий иқлим зоналарига қараб табақалаштирилган агротехника тадбирлари комплексини кенг қўллаш зарур.**

Бу агротехника тадбирлари комплекси боғ ва токзорларга қўшимча маблағ сарфламасдан улардан олинадиган ҳосилни 1,5—2 маротаба ошириш имконини беради. Ҳозир боғдорчиликдаги энг катта камчиликлардан бири — дарахтларнинг гектарларда тўла бўлмаслигидир. Республикамиздаги боғларнинг шу сингари хатоси ўртача 22,7 процентни, токзорларнинг хатоси 16,8 процентни ташкил этади. Айрим хўжаликларда бу кўрсаткич 30 процентдан ҳам зиёддир. Натижада боғ ва токзорларда 39,1 минг гектар ер бекор ётибди. Шу туфайли йилига 200 минг тонна мева ва узум кам олинаётир. Демак эски, кам ҳосилли, хатоси кўп бўлган боғ ҳамда токзорларни реконструкция қилиш керак.

Реконструкция ишларини ихтисослаштириш ва концентрациялаш ҳамда районлаштирилган навларни қатъий ҳисобга олган ҳолда ўтказиш даркор. Бунда юқори сифатли ва мўл ҳосил берадиган интенсив боғларни яратиш лозим. Кейинги йилларда узумнинг винобоп навларини йўқотиш мақсадида кўплаб токлар қўпориб ташландию, ўрнига янги, истиқболли навларни экишга эътибор берилмоқда. Энди йўқ қилиб юборилган боғ ҳамда токзорларни қайта тикланишини қатъий назорат остига олиш мақсадга мувофиқдир.

Тармоқни ихтисослаштириш ва концентрациялашнинг аҳволи ҳам қониқарли эмас. Кўплаб хўжаликларда ихтисослаштириш бора-бора 50-55 процентдан ошмаяпти. Мева, сабзавот, узум етиштиришни кўпайтиришнинг бош омили бу тармоқларни чуқур ихтисослаштириш ва концентрациялашдан иборат эканлигини тажрибалар кўрсатиб турибди. Шу сабабли республика ҳукумати қарорига биноан Давлат агросаноат комитети қошида хўжалик ҳисобидаги ихтисослаштирилган «Ўзбекистон» давлат кооператив ишлаб, чиқариш бирлашмаси тузилди. Бирлашма республиканинг мева-сабзавотчилик тармоғида ягона техника сиёсатини ўтказиш, юқори сифатли маҳсулот етиштириш, тайёрлаш, етказиб беришни кўпайтириш ва уларни турли хил қайта ишлаш ҳамда сотишни ташкил этишни амалга оширишга даъват этилган.

Ихтисослаштириш ва концентрациялаш масалаларини ҳал этишда у ёки бу районнинг тупроқ-иқлим шароитини ҳисобга олиш муҳимдир. Ҳозир етиштирилаётган маҳсулот турлари аҳолини йил бўйи шу неъматлар билан бир маромда таъминланишини тўғри ташкил этилишидир. **Афсуски, жойларда бу борада қатта камчиликлар мавжуд. Қатор районларда олдиндан чора-тадбир кўриш йўлга қўйилмаган, хўжаликлар самарали ҳимоя воситалари, асбоб-ускуналар билан таъминланмаган.**

Республикамизда 60 минг гектардан зиёд ердаги токлар сўриларга кўтарилмаган. Бу масалани тезроқ ҳал этиш билан узум ҳосилини кескин оширишга имконият яратиш мумкин. Боғ ва токзорлардаги ишларни механизациялаш даражаси ҳамон пастлигича қолмоқда. Шу туфайли ҳам маҳсулот бирлигига сарфланадиган меҳнат ва харажат кўпайиб кетаётир. Демак, хўжаликларни махсус техника билан таъминлаш, ишлаб чиқарилаётган машина-механизмлар сифатини ва унумдорлигини ошириш, ремонт базасини ташкил этиш, уларни зарур асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш, эҳтиёт қисмларни зарур миқдорда етказиб бериш, шу асосда деҳқончилик маданиятини ошириш лозим бўлади.

Қуруқ мева ва майиз тайёрлашда ҳамон силжиш сезилмаётир. Шундай маҳсулотларни кўпайтириш мақсадида ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш ва концентрациялаш керак. Хом ашёни тайёрлаш, қуритиш ва бошқа жараёнларни механизациялаш, пленка остида қуритиш кенг йўлга қўйилиши лозим. Бундан ташқари қуритиш жараёнини такомиллаштиришда барча заруғ моддий-техника ресурслари билан таъминланган йирик хўжаликлараро қуритиш корхоналари ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.

Мева ва узум етиштиришни кўпайтиришда томорқа ерлари ва боғдорчилик ширкатлари муҳим роль ўйнайди. Ҳозир етиштирилаётган жами меванинг 45 процента, узумнинг 15-18 процента шахсий томорқалар ҳиссасига тўғри келади. Шу туфайли бундан буён шахсий ва коллектив хўжаликларни кенг ривожлантириш, уларни зарур ускуналар билан таъминлашни кучайтириш хўжаликларида 29,3 центнер узум тошширилганлиги фикримизнинг далилидир. Бундай мисолларни истаганча келтириш мумкин. Чунки кўплаб хўжаликлар зарур моддий-техника ресурслари билан таъминланмаган, раҳбар ва мутахассислардан илмий хулосаларни жорий этиш қатъий талаб қилинмаяпти. Жойларда илмий муассасалар билан биргаликда илмий хулосаларни жорий этишни ташкил этиш билан шуғулланувчи мутахассислар йўқ. Бу борада ишни тубдан қайта қуриш, фан билан ишлаб чиқариш ҳамкорлигини намунали йўлга қўйиш кечиктириб бўлмайдиган вазифалардан биридир.

Ҳозир қиш бўлишига қарамай, боғ ва токзорларда иш кўп. Улар ўз вақтида, сифатли бажарилса, келгуси йил ҳосилига пухта замин яратилади.

Янги йилда мўл ҳосил етиштиришнинг муҳим шартларидан яна бири тупроқда нам тўплаш учун сув беришдир. Чунки қатор районлардаги боғ ва токзорлар ёз даврида етарли суғорилмади, куз эса қуруқ келди. Дарахт ва токларга ҳозир сув берилса, тупроқда ўсимлик учун етарли нам тўпланади ва улар яхши ривожланиб, мўл ҳосил беради. Бундан ташқари қишда суғорилган ерларда тупроқ совийди, данакли дарахтларнинг муддатидан илгари уйғонишига йўл қўймайди.

Кузнинг илиқ келиши кўп жойларда зараркунандалар ва касаллик ўчоқларининг сақланиб қолишига имконият яратди. Агар боғ ва токзорларда ноябрь ойида қураш чоралари кўрилмаган бўлса, ўсимликларга қишловчи зараркунандаларга қарши лозим бўлган препаратлар билан ишлов бериши тавсия этамиз. Ишлов бериш ҳаво ҳарорати 6-8 градусдан юқори бўлганда амалга оширилса химикатнинг таъсири яхши бўлади. Препаратнинг қайси туридан қанча миқдорда сепишни мутахассислар белгилаб бериши даркор.

Қулай шароит бўлиши биланоқ боғ ва токзорларнинг хато жойлари ўрнини тўлдириш, барча имкониятдан фойдаланиб, кўчат экишни авж олдириш мақсадга мувофиқдир.

М. МИРЗАЕВ,
Р. Р. Шредер номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори, ВАСХНИЛ академиги.

С. ХОРЕВ,
Ўзбекистон ССР Давлат агросаноат комитети раиси ўринбосари.

Ю. ДЖАВАКЯНЦ,
Р. Р. Шредер номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси бўлим бошлиғи.

ҚИЗИЛҚУМ ГАЗИ— МАМЛАКАТ МАРКАЗИГА

УРГАНЧ, 6 январь. (ЎзТАГ мухбири Ю. Иброҳимов). Ўрта Осиё магистрал газ қувурлари бошқармаси бош пультидаги счетчиклар бугун мамлакат марказий районлари ҳамда Уралга йил бошидан бери дастлабки миллиард кубометр «зангори ёқилғи» юборилганлигини қайд этди. Бошқарма иш бошлаганидан бери ўтган йиллар ичида биринчи марта шундай кўрсаткичга эришилди.

Газчиларнинг кўп минг кишилик коллективи 1 январдан тўла хўжалик ҳисоби ва ўзини-ўзи пул билан таъминлашга ўтди. Бунинг учун катта тайёргарлик ишлари олиб борилди: компрессор станцияларини билан ремонт хизматлари ўртасидаги ўзаро алоқалар аниқ йўлга қўйилди, юзлаб мутахассислар қайта тайёргарликдан ўтдилар.

Шу кунларда бошқарманинг юздан ортиқ вакили Арманистонда, табиий офатдан зарар кўрган районларда ишламоқда. Ўзбекистон газчилари у ерга қудратли кранлар, оғир юк машиналари, компрессорлар юборишди. Командировкага кетган мутахассисларнинг ишини уларнинг ҳамкасблари муваффақиятли бажаришмоқда. Бу йил бирлашма коллективи истеъмолчиларга 70 миллиард кубометрдан ортиқ газ юборишга аҳд қилди.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ СИЁСИЙ БЮРОСИДА

КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси 5 январда бўлиб ўтган мажлисида Совет Иттифоқи Коммунистик партиясидан СССР халқ депутатлигига кўрсатиладиган номзодлар хусусида иттифоқдош республикалар Компартияларининг Марказий Комитетлари, ўлка, область партия комитетлари тақдим этган, шунингдек бошланғич партия ташкилотларидан ва коммунистлардан бевосита КПСС Марказий Комитетига тушган таклифларни кўриб чиқди. Номзодларни танлаб олиш жараёни демократик характерда эканлиги, қуйидан келаётганлиги, унда кўпгина партия ташкилотлари фаол қатнашганлиги қайд этилди. Қайта қуришга ўз садоқатини, янгичасига ишлаш маҳоратини амалда исботлаётган коммунистлар кенг кўламда қўллаб-қувватланмоқда. Тушган таклифларни КПСС Марказий Комитетининг 1989 йил 10 январда бўладиган Пленуми муҳокамасига киритишга қарор қилинди.

Сиёсий бюро нархларни белгилашнинг қарор топган практикасидаги камчиликларни тугатиш чора-тадбирлари тўғрисида СССР Министрлар Советининг таклифларини кўриб чиқди. Шу муносабат билан таклиф этилаётган чора-тадбирлар ишлаб чиқариш-техника учун аталган маҳсулотларнинг, моллар ва хизматларнинг нархлари уларнинг техникавий-иқтисодий кўрсаткичларини, истеъмол хусусиятлари ва сифатини яхшилашга нисбатан илдамроқ ўсишидан иборат салбий тенденцияни тугатишга, шунингдек талаб қилинаётган арзон моллар ишлаб чиқаришни аҳолининг манфаатларига зарар келтирадиган тарзда қисқартиришга қарши қаратилган.

Айниқса болаларга, шунингдек катта ёшдаги кишиларга аталган молларнинг социал арзон нархлари белгиланишида давлат буюртмаларининг ролини ошириш зарур, деб топилди, сифати яхшиланган молларнинг нархларига вақтинча устамаларнинг ҳамда янги маҳсулотлар шартномавий нархларининг қўлланилиши тартибга солинади.

«СССРда кооперация тўғрисида»ги СССР Қонуни доирасида кооперативлар ишлаб чиқараётган маҳсулотни кўпайтириш ва сифатини яхшилаш, унинг нархларини давлат нархларига яқинлаштириш учун ташкилий ва иқтисодий шарт-шароитларни яратиш зарурлиги таъкидланди. Ўз маҳсулотини давлат нархидан юқори бўлмаган нархларда сотаётган, давлат буюртмаларини бажараётган ёки давлат корхоналари ёҳуд ташкилотлари билан бевосита шартномада асосида ишлаётган кооперативларга моддий-техника таъминотида, кредит, солиқ соҳасида ва бошқа соҳаларда енгилликлар яратишга устунлик берилади.

Умумий овқатланиш кооперативлари маҳсулотига хизмат кўрсатиш даражасини эътиборга олиб ва тегишли категориядаги давлат ресторанлари ҳамда кафеларидаги устамаларнинг миқдорларига татбиқан қўлланиладиган устама нархларнинг чегарасини белгилашда халқ депутатлари маҳаллий Советларининг ҳуқуқларини кенгайтириш мўлжалланмоқда. Нарх-наво устидан СССР Давлат нарх комитети ва унинг жойлардаги органлари, халқ депутатлари Советлари, шунингдек халқ контроли органлари, касаба союзлари, истеъмолчилар жамиятлари ва клублари томонидан назоратни кучайтириш зарурлигига эътибор қаратилди.

Сиёсий бюрода «Маҳсулотнинг сифати ва истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги СССР Қонунининг лойиҳаси муҳокама қилинди. Лойиҳада баён этилган ҳуқуқий нормалар маҳсулот сифатини ошириш соҳасидаги ишни ташкил этиш учун муҳим аҳамиятга эга эканлиги таъкидлаб ўтилди.

Қонун лойиҳасида истеъмолчиларнинг кенг ҳуқуқлари мустаҳкамлаб қўйилганлиги, молларнинг сифатини яхшилашда меҳнаткашларнинг фаол қатнашиши учун шарт-шароит яратилганлиги принципиал жиҳатдан муҳимдир. Янги қонун лойиҳасида баён этилган қоидалар маҳсулот сифатини нормалаш, баҳолаш ва назорат қилиш практикасини анча ўзгартиради, нархнинг маҳсулот сифатига боғлиқлиги кучайишини таъминлайди, харидорнинг ҳуқуқларини кенгайтиради, сифатсиз маҳсулот сабабли етказилган зарар учун мулкий жавобгарликни кучайтиради.

Совет кишиларининг ҳаёт фаолияти энг муҳим жиҳатларини демократиялаш принциплари лойиҳага асос қилиб олинган, харидорларнинг истеъмол соҳасидаги ҳаққоний манфаатларини ҳимоя қилиш имкониятларини анчагина кенгайтириши лозим бўлган истеъмолчилар жамиятларини ихтиёрийлик асосида тузиш юзасидан гражданларнинг ҳуқуқи ана шу принциплардан биридир.

М. С. Горбачевнинг Германия Коммунистик партияси раиси Г. Мис билан КПСС ва ГКП ўртасидаги муносабатларга хос ўртоқларча ҳурмат ҳамда чуқур ҳамжиҳатлик муҳитида ўтган суҳбати якунлари маъқулланди. Иккала партия СССР билан ГФР ўртасидаги ҳамкорликни ҳар томонлама ривожлантириш учун, Европани тинчлик, яхши қўшничилик ва ҳамжиҳатлик қитъасига айлантириш учун фаол ҳаракат қилаётганлиги таъкидлаб ўтилди.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

«30—40-ЙИЛЛАРДА ВА 50-ЙИЛЛАРНИНГ БОШЛАРИДАГИ ДАВРДА ЙЎЛ ҚЎЙИЛГАН РЕПРЕССИЯЛАРНИНГ ҚУРБОНЛАРИГА НИСБАТАН АДОЛАТНИ ТИКЛАШНИНГ ҚЎШИМЧА ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА»

Мазкур масала юзасидан қабул қилинган қарорда КПСС Марказий Комитети таъкидлайдики, ҳужжатлар билан асосланган маълумотлар, бевосита КПСС XX ва XXII съездларидан кейин ҳамда сўнгги вақтда тўпланган оқлаш тажрибаси 30-40-йиллар ва 50-йилларнинг бошларидаги оммавий репрессияларга, ўзбошимчалик практикасига йўл қўйилганидан шак-шубҳасиз далолат бериб турибди. Махсус тузилган судга алоқасиз органлар — «Учлик», «Махсус кенгаш» деб аталган ташкилотлар, шунингдек репрессия қилинувчиларнинг рўйхатини тузиш ва тасдиқлаш практикаси қонунга хилоф ҳаракатларнинг чўққиси бўлди.

Бундай практика юз минглаб совет кишилари учун фожиали оқибат келтирди, мамлакатнинг социал-иқтисодий тараққиётига ҳалокатли таъсир ўтказди, одамларнинг онгида қонун нормаларини ва инсон ҳаётини менсимасликни қарор топтирди. Совет жамиятининг ривожланишига, социализм ишига, партиянинг обрўсига катта путур етказди.

Ҳозирги вақтда тарихий, юридик адолатни тиклаш жуда катта сиёсий аҳамиятга эга бўлиб қолди. Бизнинг социалистик ҳуқуқий давлатни барпо этиш йўлидан олға боришимиз, ижтимоий онгнинг ривожланиши кўп жиҳатдан ана шу адолатни тиклашга боғлиқ. Бегуноҳ репрессия қилинган кишиларнинг тўла оқланишини, уларнинг хотираси абадийлаштирилишини жамоатчилик, жабрдийдаларнинг қариндош-уруғлари ва яқинлари кўтмоқда.

КПСС Марказий Комитети СССР Олий Совети Президиумининг кўриб чиқиши учун 30-40-йилларда ва 50-йилларнинг бошларидаги даврда ўша вақтда иш кўрган «Учликлар», «Махсус кенгашлар» томонидан чиқарилган судга оид бўлмаган қарорларни қонун акти билан бекор қилиш, мазкур органларнинг қарори билан репрессия қилинган барча гражданларни оқланган деб ҳисоблаш ҳақида таклиф киритишга қарор қилди.

Шу билан бирга бу тадбир Улуғ Ватан уруши давридаги ватан ҳоинлари ва жазо отрядларининг иштирокчилари, нацист жиноятчилар, миллатчилар ва улар гуруҳларининг бандит тўдалари иштирокчиларига, жиноий ишларни сохталаштириш билан шуғулланган ҳодимларга, шунингдек атайлаб қотиллик ва бошқа жиноий хатти-ҳаракат қилган шахсларга нисбатан татбиқ этилмаслиги таъкидлансин. Санаб ўтилган категориядаги шахсларга нисбатан чиқарилган ҳукмлар ва бошқа қарорлар устидан шикоят қилиш ҳамда қайта кўриб чиқишнинг қонунда белгилаб қўйилган тартиби амал қилиши керак.

КПСС Марказий Комитети репрессия йилларида суд органлари томонидан ҳукм қилинганларга оид жиноий ишларни қонунда белгиланган тартибда кўриб чиқишни тезлаштириш зарур деб ҳисоблайди.

Оқланган кишиларга етказилган моддий зарарни белгиланган тартибда қоплаш, бу ҳақда уларнинг қариндош-уруғларини хабардор қилиш иши таъминлансин.

КПСС Марказий Комитети халқ депутатлари ўлка, область ва шаҳар Советлари, иттифоқдош ва автоном республикалар Олий Советлари ҳузурида оқланган кишиларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини таъминлашда, репрессия қурбонларига ёдгорликлар барпо этишда, шунингдек улар дафн этилган жойларни тегишли тартибда сақлашда совет органларига ёрдам бериш учун халқ депутатлари ва жамоатчилик вакилларидан комиссиялар тузиш тўғрисидаги совет жамоатчилиги таклифларини қўллаб-қувватлади.

26 март— СССР халқ депутатлари сайлови куни

МЕҲНАТДА ЎРНАК КЎРСАТИБ

«Туямуюнгидрострой» бошқармаси меҳнаткашларининг Дружба шаҳридаги меҳнат коллективлари вакиллари билан биргаликда ўтказилган йиғилишида, 610-Хива территориал сайлов округида СССР халқ депутатлигига номзод кўрсатиш масаласи муҳокама қилинди.

Йиғилишда сўзга чиққан биринчи механизациялашган кўчма колонна механиги Озод Иброҳимов ўшбу колонна экскаваторчиси Мадёр Қиличевни СССР халқ депутатлигига номзод этиб кўрсатишни таклиф қилди. У М. Қиличев Туямўйинда Ўрта Осиёдаги энг йирик гидроузел қурилиши бошланган дастлабки кунларданоқ меҳнат қилаётганини айтди. Шу давр мобайнида у ўнлаб миллион кубометр тупроқ ҳазиб чиқарди, коллективнинг иззат-ҳурматига сазовор бўлди. Ленин ордени ва Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан мукофотланган. Область партия комитетининг аъзоси сифатида область партия ташкилоти олдида турган ҳаётий муаммоларни ҳал этишда иштирок этмоқда.

Мазкур номзодни Мадёр Қиличев билан кўп йиллардан бери бирга ишлаётган бошқа ўртоқлар — бульдозерчи Карим Йўлдошев, энергетик Мадёр Курёзов, темирчи Хударган Рўзметов ҳам қўллаб-қувватладилар.

Йиғилишда нутқ сўзлаган колонна механиги Нина Михайловна Гомова қутилмаган гапни айтди. У М. Қиличевда назарий кўникмалар етишмайди, деди.

М. Қиличевнинг ўзи, агар мен СССР халқ депутатлигига сайланадиган бўлсам, регион экология ҳолатини яхшилашга ёрдам беришни биринчи ўринга қўяман, деб таъкидлади. Бу борада кўпгина масалалар йиғилиб қолди, деди у. Бу соҳада, аввало областнинг гидромеханизаторлари ва мелиораторлари ўз қатъий сўзларини айтишлари керак, уларнинг роли ва обрўсини ошириш лозим.

Йиғилиш аҳли 610-Хива территориал сайлов округидан СССР халқ депутатлигига Мадёр Қиличев номзодини кўрсатиш ҳақида қарор қабул қилди.

(ЎзТАГ).

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармони

ЎЗБЕКИСТОН ССР ДАВЛАТ АГРОСАНОАТ КОМИТЕТИ РАИСИНИНГ БИРИНЧИ ЎРИНБОСАРИ ЎРТОҚ Р. А. ГИНИЯТУЛЛИННИ ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРИ ҚИЛИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми қарор қилади:

Ўзбекистон ССР Давлат агросаноат комитети раисининг биринчи ўринбосари ўртоқ Рим Абдулович Гиниятуллин Ўзбекистон ССР министри қилиб тайинлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси П. ҲАБИБУЛЛАЕВ.
Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Л. БЕКҚУЛБЕКОВА.

Тошкент шаҳри,
1989 йил, 6 январь.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармони

ЎЗБЕКИСТОН ССР ДАВЛАТ АГРОСАНОАТ КОМИТЕТИ РАИСИНИНГ БИРИНЧИ ЎРИНБОСАРИ ЎРТОҚ А. Ҳ. ТОЖИЕВНИ ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми қарор қилади:

Ўзбекистон ССР Давлат агросаноат комитети раисининг биринчи ўринбосари ўртоқ Амин Ҳамроевич Тожиев Ўзбекистон ССР министри этиб тайинлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси П. ҲАБИБУЛЛАЕВ.
Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Л. БЕКҚУЛБЕКОВА.

Тошкент шаҳри,
1989 йил, 6 январь.

• Хўжалик ҳисоби: тажриба ва муаммолар

Бир қарашда бунинг ҳеч қандай ҳайратланадиган жойи йўқ. Давлат банкидан олинган ҳар бир сўм бугунми, эртами хазинага қайтарилиши керак. Қарз, банк ходимлари тили билан айтганда, ўз муддатида тўланмаса, банк билан ташкилот ўртасидаги пул муомаласи жараёнлари тўхтатиб қўйилади.

ҚАРЗ

СУРХОНДАРЁ ОБЛАСТЬ АГРОСАНОАТ БАНКИ БИРАТУЛА УЧ ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТИНИ «ТЎЛОВ ҚОБИЛИЯТИГА ЭГА ЭМАС», ДЕБ ЭЪЛОН ҚИЛДИ. ШУЛАР ҚАТОРИДА «1-ОБЛАГРОПРОМСТРОЙ» БИРЛАШМАСИГА ҚАРАШЛИ 1-ИШЛАБ ЧИҚАРИШ-ТЕХНИКАВИЙ БУТЛАШ ХЎЖАЛИКЛАРАРО БОШҚАРМАСИ ҲАМ БОР

«Совет Ўзбекистони»нинг Сурхондарё области бўйича ўз мухбири Норқул ҲАЙИТҚУЛОВ иш бошлади. Қуйида унинг биринчи мақоласини диққатингизга ҳавола қилаётирмиз.

Бу нима, касодми, инқироз? Биз, бу сўзларга кўникмаганмиз. Дарвоқе, изоҳли луғатларда ҳам уларни буржуа мамлакатларида содир бўладиган ҳодиса, деб талқин қилинади. Шунинг учун ҳам область матбуотида атиги ўн сатрдан иборат юқоридаги мазмунда эълон чиққан куниёқ агросаноат банки бошқарувчиси телефонлари уст-устига жиринглаб қолди. Ўша куни унинг ҳузурига биз ҳам кирдик...

Область агросаноат банкининг операция ишлари бошқармаси бошлиғи Фозил Алимардонов стол устига учта семиз папкани қўйди. «Барча ёзишмаларимиз, хулосаларимиз шу ерда», — деди у папкаларни суриб қўяркан. Улардан бирини қўлга олдик. Муқовасида йирик ҳарфлар билан «МУПТК-1» деб ёзиб қўйилган. Бу ўша, 1-«Облагропромстрой»га қарашли 1-ишлаб чиқариш-техникавий бутлаш хўжаликлараро бошқармаси.

Бошқармани қурилиш ташкилоти дейишдан кўра, қурилиш ташкилотлари таъминотчиси, деган маъқулроқ. Область 1-агросаноат қурилиш бирлашмаси ихтиёридаги ҳамма механизациялашган кўчма колонналар, автобазалар, кичик механизация бирлашмалари ундан маҳсулот, материал ва эҳтиёт қисмлар оладилар. Унга Иттифоқимиздаги 80 га яқин коллектив турли хил қурилиш материаллари етказиб беради. Бошқарма, масалан, Хабаровск, Красноярскдан ёғоч олса, Ульяновск, Алексеевскдан шифер, Оҳангарондан цемент, Бекободдан металл конструкцияларини қабул қилади.

Хўш, йирик таъминотчи ташкилот бугун нега шу қадар қарзга ботиб қолди? Нега унга қарз беришни тўхтатиб қўймоқчилар? Аҳвол бошқарма, қолаверса, областдаги энг йирик қурилиш бирлашмаси раҳбарларига маълум эмасми-ди?

— Маълум эди, — дейди хўжаликлараро бошқарма бошлиғи Холбой Очилдиев. — Биз бошқармадаги молиявий танглик ҳақида банкка ҳам, бирлашмага ҳам ёзма равишда маълум қилганмиз. Улар анча-мунча ёрдам бердилар. Лекин...

Лекин бошқарманинг молиявий аҳволи ўнгланмади. 1988 йил март ойида банк бошқарма бошлиғи номига хат йўллади. Агар хўжаликлараро бошқарма ўзининг барча қарзларидан қисқа муддат ичида қутулмаса, СССР давлат корхонаси (бирлашмаси) тўғрисидаги Қонунга асосан, жиддий чоралар кўришга мажбурмиз, деб огоҳлантирдилар. Бу ҳам дуруст натижа бермагач, бошқарма бошлиғи Х. Очилдиевни банк бошқармаси ҳузуридаги кенгашга таклиф қилдилар. Унинг кўз ўнгида ҳамма қарзларни бирин-кетин чўтга ташлашди.

Шунда бошқармадагилар ҳам, агросаноат қурилиши бирлашмасидагилар ҳам молиявий қусурни тез кунлар ичида албатта, тузатамиз, деб ваъда бердилар. Идора ходимлари ҳам, ишчилар ҳам ойлик иш ҳақи олишда узилиш сезишмади, материал етказиб берувчи «нозик» ташкилотлар ҳисоб-китоб счетига мунтазам пул ўтказиб турилди. Хуллас, банк сахийлик қилди.

Орадан ойлар ўтди. Бошқарма банк олдидаги қарзларини қоплаш ҳақида сираям ўйламаётгандек эди. Банк яна дўқ-пўписага ўтиб олди: «Агар қарзни тўламайдиган бўлсангиз, счётингиздаги жамики пулни ушлаб қоламиз — ойлик ҳам, қурилиш материаллари ҳам олмайсизлар», дедилар. Шундан кейин бошқармадан агросаноат банкига зудлик билан қуйидаги хат жўнатилди:

1-«Облагропромстрой» бирлашмаси бошқарувчиси ўрток Х. Тошқуловга.

Область агросаноат банки операция ишлари бошқармаси бошлиғи ўрток Ф. Алимардоновга.

Трест ташкилотлари томонидан бизнинг ҳисоб-китоб счётимизга тўлов ўз вақтида тушмаганлиги сабабли бошқармада оғир молиявий аҳвол вужудга келди. Йирик суммадаги дебитор қарзларининг тобора ошиши молиявий-хўжалик фаолиятимизга жиддий салбий таъсир қилмоқда, бошқарма бўйича дебитр қарзлар 1988 йилнинг 1-май кунига 3 миллион 105,5 минг сўмдан ошди...

11 май куни агросаноат банкида бўлган кенгашда бошқарманинг молиявий-ишлаб чиқариш аҳволи масаласи муҳокама қилинди. Банк аҳволни тузатиб олишимиз учун бизга бир ой муҳлат берди. Бизга 10 июнга қадар тўлов муддати ўтиб кетган барча қарзлардан қутулишимиз лозимлиги уқтирилди. Ана шу муддатда банкдан олинган сумма ўрни қопланмаса, банк кредит беришни тўхтатиб қўяди ва биз материал етказиб берувчиларга ҳақ тўлаш имкониятидан маҳрум бўламиз. Улар эса, ўз навбатида, материал жўнатишмайди. Оқибатда ишга тушириладиган объектларни қурилиш материаллари билан таъминлашнинг иложи бўлмайди.

1-ишлаб чиқариш-техникавий бутлаш хўжаликлараро бошқармаси бошлиғи Х. ОЧИЛДИЕВ.
бош бухгалтер И. ЭШҚОРАЕВ.
12 май, 1988 йил».

Очиғини айтганда, бошқарма раҳбарларининг шу тахлитда оҳ-воҳ айтиб, (юмшоққина қилиб!) бировнинг кўнглига тегмайдиган хатлар жўнатишдан бошқасига кучи етмади.

— Қурилиш материаллари оладиган колонналарнинг деярли ҳаммаси биздан қарздор. Ҳозир уларнинг қарзи 2,5 миллион сўмдан кўпроқни ташкил қилади, — дейди Холбой Турдиевич. — Қаранг, 261-колоннанинг бўйнида 1 миллион сўмдан ортиқ қарзи бор. 255-колонна 300 минг сўмлик қарзини тўлаолмаётир. Бундайлар анчагина. Улар счётга пул ўтказмагач, биз қаердан пул олиб, қарзни узайлик? Ҳозир Иттифоқнинг турли жойларидаги таъминотчилардан 420 минг сўм қарзимиз бор. Улар истаган пайтда материал жўнатишни тўхтатиб қўйишлари мумкин...

— Сизлар нега бошқармадаги қарзини тўламаётган ташкилотларга материал жўнатаётирсиз? Сиз ҳам тўхтатиб қўйсангиз бўлмайдими?

— Йўқ, — дейди у. — Бу колонналарнинг ҳаммаси «Облагропромстрой»га бўйсунади. Биз ҳам шу бирлашмага қараймиз. Уларга материал бермасак, бирлашма қурилиш планини бажаролмайди, объектлар вақтида ишга тушмайди.

Ана, кўнгилчанлик! Ана итоаткорлик!

«— Бошқарманинг молиявий танг ҳолга тушиб қолишига фақатгина шу кўнгилчанликкина сабаб эмас, — дейди агросаноат банки кредит план бўлими бошлиғи В. М. Ткаченко. — Умуман, бу қурилиш коллективида ҳам, молиявий ёмон аҳволга тушиб қолган бошқа корхона ва ташкилотларда ҳам бир-бирига ўхшаш характерли белгилар анчагина. Бу, биринчидан, уларнинг оборот маблағи камлигида кўринади. Бошқача айтганда, ўз харажатларини ўзи қоплай олмайди. Бор маблағни сарфлашда ҳисоб-китоб издан чиққан, хўжасизлик, исрофгарчилик авж олган.

Яна бир сабаб: меҳнатга ҳақ кирим ҳисобга олинмай тўланган. Ахир, чиққан ҳар бир сўм ўз ўрнига фойда билан қайтиши керак-да! Шундай қилинмаса, энг иқтисодий бақувват ташкилот ҳам эртага молиявий касодга учраши мумкин. Учинчидан, минглаб сўм йирик-йирик жамғармалар плансиз объектлар қурилишига сарфлаб юборилиш ҳоллари мавжуд. Нормативдан ортиқ миқдорда материал, техника, асбоб-ускуна ва жиҳозлар узоқ муддат сақлаб туриладиверади. Ҳар бир техника, ҳар бир ускуна коллектив учун ҳар куни маълум миқдорда фойда келтирмаса, уни сақлаб туришдан нима наф?

Биз бошқарма раҳбариятига 1988 йил ноябрь ойида хат ёздик. «Йил давомида бир неча бор огоҳлантирилганига ва қайта-қайта муддатлар белгиланганига қарамай, бошқармада молиявий силжиш сезилмаётир», дедик. Кредит беришни тўхтатиб қўйишимиз ҳақида ҳам эслатдик. Бошқарма бошлиғи икки ҳафта муҳлат сўради. «Шу даврда ҳамма қарзларимиздан қутуламиз», деб ваъда берди. Бироқ ваъда ваъдалигича қолди, аҳвол ўзгармади».

Вера Михайловна бизга агросаноат банкининг қурилиш бошқармаси тўлов қобилиятига эга эмас, деб чиқарган хулоса-протоколини кўрсатди.

— Мана буни ўқиб боқинг-а. Улар шундан кейин ҳам қарзларини узадиганга ўхшамайдилар.

Бу хат область агросаноат банки операция ишлари бошқармаси бошлиғи Ф. Алимардоновга ва нусхаси банк бошқармаси бошлиғи Х. Абдураҳматовга йўлланган эди:

«Бирлашмамизга қарашли ушбу бошқарма, — деб ёзади 1-«Облагропромстрой» бирлашмаси бошқарувчисининг ўринбосари А. Якунина. — 1988 йил 1 ноябрда сиз томонингиздан тўлов қобилиятини йўқотган, деб эълон қилинди. Аммо унинг молиявий аҳволи 1986 йил ва 1987 йиллар билан солиштириладиган бўлса, бирмунча ўзгаришлар қилинганлиги сезилади...

Буюртмачилар бажарилган ишлар учун бошқармадан катта суммада қарздор бўлиб қолаётганликлари учун ҳам у банк ссудаси бўйича қарзларини айни пайтда қоплаш қобилиятига эга эмас. Жумладан, фақат агросаноат бўйича қарз 3,5 миллион сўмни ташкил қилади. Биз бир неча марта мурожаат қилишимизга қарамай, буюртмачилар кредит ҳисобига пул ўтказмаётирлар...

Сиздан 1989 йилнинг 1 январигача бошқарма тўлов қобилиятини йўқотган, деб эълон қилмаслигингизни илтимос қиламиз».

Афсуски, агросаноат банки бу илтимосномани инобатга олмади.

— Энди бу ёғи нима бўлади?

— Нима бўларди, — дейди Ф. Алимардонов. — Бошқарма қарзларини узсин, тамом!

— Борди-ю, узолмаса-чи?

— Унда... банкрот! Бу — синиш дегани. Бизда бундай ҳол ҳали сира бўлмаган. Бу ҳали қонунлаштирилмаган ҳам,— дейди Фозил Мажидович. — Бироқ бундай хулосага келиш учун яна олти ой муҳлат берамиз. Шунда ҳам молиявий қашшоқлик давом этса, бошқармани алоҳида режимга ўтказамиз. Бунда кредит бериш тамоман тўхтатилади. Олдин берилган барча кредитлар ундириб олинади. Банкка яна шундай ҳуқуқ ҳам берилган: даромад суммасини ссуда қарзини қоплашга сафарбар этишимиз ҳам мумкин. Аммо мақсад — қурилиш ташкилотини ёпиб қўйиш, синдириш эмас. Банк энг сўнгги соатларда ҳам уни боши берк кўчадан олиб чиқиш учун воситачилик ролини ўтайди. Бундай пайтда бошқармага у бўйсунадиган юқори ташкилот ёрдам қўлини чўзмоғи лозим.

Биз «Облагропромстрой» бирлашмаси бошқарувчиси Хўшбоқ Тошқуловга қўнғироқ қилиб: «Бошқарманинг банк олдидаги қарзларини узиш учун бирор чора-тадбир кўраяпсизларми?» деб сўрадик.

— Масалан, қандай? — саволга савол билан жавоб қилди у.

— Масалан, ёрдам...

— Ёрдам беролмаймиз! — асабий оҳангда деди бирлашма бошқарувчиси. — Бу бошқарма бизга 16 миллион сўм зарар билан ўтган. «Облколхозстрой» трестининг собиқ раҳбарлари ёрдам беришсин, қарзни улар тўлашсин...

Қарз қоидаси шундай: олдингми, вақтида қайтар! Қоида бузилса, орага совуқлик тушади, режага зил кетади. Умуман, олиш ҳаммагаям ёқади, аммо қайтаришни ҳам эсдан чиқармаслик керак.

Н. ҲАЙИТҚУЛОВ.

• Партия турмуши: интернационал бурчга садоқат

БУ ЙЎЛДА ХАТО ҚИЛМАНГ

Бир-бирига ўхшаб кетадиган бу икки коммунистни улар билан узоқ йиллар ёнма-ён ишлаган ҳамкасблари ҳам баъзан ажратолмай қолишади. Уларнинг бири Ф. Ваҳобова — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси, З. Мавлонова эса Бутуниттифоқ XIX партия конференциясининг делегати.

Эсимда, ўшанда Зуҳра партия конференциясидан катта таассуротлар билан қайтган эди. У ана шу таассуротларини, айниқса конференция муҳокама этган энг муҳим масалалардан бири — миллатлараро муносабатлар ҳақидаги фикр-мулоҳазаларини бутун коллектив билан баҳам кўриш истагини билдирди.

— Коллективимизда бу соҳада ҳеч қандай муаммо йўқ. Шундай экан, бошқа муҳим масалаларга кўпроқ вақт ажратилса дуруст бўларди, — маслаҳат берди партком аъзоларидан бири. — Ахир корхонада қирққа яқин миллатга мансуб кишилар баҳамжиҳат меҳнат қилишяпти. Уларнинг гаплари бир-бирига тўғри келиб турибди, ҳеч қандай келишмовчилик йўқ.

— Худди мана шу 40 миллат вакиллари меҳнат қилаётгани учун ҳам шу масалага кўпроқ эътибор беришимиз лозим, — деди Зуҳра. — Дўстлигимиз метиндек мустаҳкам бўлган тақдирдагина биз қайта қуришни амалга ошира оламиз. Бу нарса партия конференциясида алоҳида таъкидланди.

Дарҳақиқат миллатлараро муносабатлар З. Мавлонова ўтказган суҳбатнинг мағзи бўлди. Ҳамма унинг сўзларини диққат билан тинглади. Мамлакатимиз айрим районларида юз берган ҳодисалар ишчи коммунист бу масалага эътибор бериб, нақадар тўғри йўл тутганлигини очиқ кўрсатди. Арманистон ва Озарбайжонда бўлаётган воқеаларга коллективнинг шу миллатларга мансуб аъзолари бир хил муносабатда ёндашдилар: улар ҳар бир мунозарали масалани халқлар дўстлигининг ягона оиласида ўзаро келишиб ҳал қилиши керак, дейишяпти. Энг биринчи навбатда бирон миллат вакили ҳақ-ҳуқуқининг бузилишига асло йўл қўйиб бўлмайди.

Жамиятимиз кичик бир ячейкаси бўлган коллективимизда бу масала худди мана шундай ҳал қилинаётир. Буни фабрика маъмурияти, партия ва бошқа жамоат ташкилотларида раҳбарлик лавозимларининг тақсимланиши мисоли ҳам конкрет кўрсатиб турибди. Жумладан, фабрика директори Г. Х. Мўминова ўзбек фарзанди бўлса, бош инженер Р. П. Мансурова — рус, директор ўринбосари Б. Г. Давидов — яхудий, транспорт бўлимининг бошлиғи Н. А. Паркин — мордвин, таъминот бўлимининг бошлиғи Э. Аблаев — қримтатар. Худди мана шундай мутаносибликни цехларда ҳам учратиш мумкин. Партия ташкилотида яқинда бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов йиғилишларида ҳам коммунистлар партия комитети аъзолигига ўзбеклар қатори рус, украин, татар, тожик ва бошқа миллат вакилларини сайлашди.

Корхонада миллатлараро дўстликнинг илдизлари чуқур томир отган. Ҳамма гап шундаки, фабрикамиз Бухоронинг тўнғич саноат корхоналаридан биридир. Бундан 60 йил муқаддам унинг қурилишида турли республика фарзандлари қатнашганлар. Кейинчалик уларнинг кўпчилиги Бухорода қолиб, ўлкада дастлабки чинакам ишчи сулолаларига асос солишди. Шунинг учун халқлар дўстлиги руҳи коллективимизнинг қон-қонига сингиб кетган.

Бу буюк дўстликни янада мустаҳкамлаш партия комитети амалга ошираётган сиёсий-тарбиявий ишларнинг ўзагини ташкил қилмоқда. Партия комитети қошида янгича анъаналар ва урф-одатларни ҳаётга татбиқ этиш бўйича кенгаш иш олиб боряпти. Унинг составига ҳам турли миллат вакиллари кирган. Кенгашга кабардин қизи Т. Кубекова раҳбарлик қилмоқда. Барча оммавий-сиёсий тадбирлар мана шу кенгаш раҳбарлигида ўтказилмоқда. Кўп йиллик анъанага биноан, корхонамиз клубида ҳар йил баҳорида ишчи сулолалари шарафланади. Май ойи интернационал кечалар ва учрашувлар ўтказишга бағишланади. Жумладан ўтган йил биз Афғонистонда хизмат қилган ёшларнинг ишчиларимиз билан учрашувини ташкил этдик. Худди шундай тадбир корхона оталиққа олган Ленин номли мактабда ҳам ўтказилди. Ёз ойларида коллективда ёш мутахассисларнинг кўрик конкурслари ўтди. Кузда эса меҳнат ветеранларини пенсияга кузатиш тадбирлари уюштирилади.

Бундай тадбирларнинг барчасида фабрика ҳаваскорлик коллективи бадиий қисмни ўз зиммасига олади. Турли миллат ва касб эгаларини бирлаштирган ансамбль репертуарида СССР барча халқлари куй ва қўшиқлари ўрин олган.

Дўстона оилада баҳамжиҳат қилинаётган меҳнат яхши самаралар бермоқда. Айни маҳалда коллективимизнинг 27 аъзоси бир беш йилликда икки беш йиллик планини бажариш ниятида. Илғорлар сафида турли миллат вакиллари бор. Шу кунларда украин фарзанди — шаҳар партия комитети аъзоси Ганна Сивакнинг меҳнат календарида 1989 йил эмас, балки 1991 йил ҳисоби очилди. Унинг ўзбек дугоналари П. Раббиева ва Ҳ. Рустамова эса янги йил арафасида келгуси беш йилликнинг иккинчи ва учинчи йилига ҳисоб очишди.

Бухоро шаҳар партия комитетининг бундан бир неча ой муқаддам бўлиб ўтган бюро мажлисида фабрика бошланғич партия ташкилотининг интернационал тарбия соҳасида олиб бораётган ишлари маъқулланди. Тўпланган тажрибамизни бошқа корхоналарда ҳам кенг ёйиш тадбирлари кўрилмоқда.

Шу билан бирга айрим расмиятчи амалдорларнинг кишилар эҳтиёжларига лоқайдлик билан ёндашаётгани баъзи бир миллат вакилларида ўзаро дўстлигимизга шубҳа билан қарашга сабаб ҳам бўлмоқда. Бу фикримни қуйида конкрет бир мисол билан исботлайман.

Яқинда механика цехи слесари Айдер ака Сундукчиев ниҳоятда хафа ҳолда партия комитети хонасига кириб келди. Биз бутун умри шу цехда слесарлик билан ўтаётган бу отахонни деярли уч йил муқаддам тантанали равишда пенсияга кузатган бўлсакда, у коллективдан кетишни истамай ишлашда давом этарди. Маълум бўлишича, унинг паспортида фамилиясида бир ҳарф нотўғри тушганлиги учун икки йилу саккиз ойдан буён шаҳарнинг Тўқимачилик райони ЗАГС бўлими Сундукчиевнинг пенсиясини расмийлаштиришга монелик қилаётган экан. У менинг ҳам миллатим татар бўлганлиги учун эмас, балки партия комитети секретари бўлганим учун коммунист сифатида ёнимга келган эди. Бу масалани охирига етказиш учун деярли уч ой кабинетма-кабинет юришимга тўғри келди. Ваҳолонки, район ЗАГС бўлими Қримда у туғилган қишлоқ Совети ижроия комитетига мактуб юбориб, бу масалани ўн кун ичида ҳал қилиши мумкин эди.

Бундай ҳоллар партия ташкилотларининг олиб бораётган тарбиявий ишларига сезиларли путур етказмоқда. Шунинг учун расмиятчиликка қарши курашни, айниқса кам сонли миллат вакиллари билан боғлиқ ҳолларда, сира ҳам бўшаштирмаслик керак — ҳар қандай сансоларликка принципиал баҳо бериш лозим, деб ҳисоблайман.

Умуман, миллатлараро муносабатлар ниҳоятда нозик масаладир. Бу соҳада озгина бўлса ҳам эътиборсизликка, лоқайдликка йўл қўйиш кимнингдир қалбида нохуш таассурот қолдириши мумкин. Партия ташкилотимиз шуни ҳисобга олиб, интернационал тарбия масалаларини доимий диққат марказига қўймоқда.

А. ҒАФУРОВ,
Бухоро шаҳридаги «Октябрь 10 йиллиги» пиллакашлик фабрикаси партия комитетининг секретари.

• ЎЗБЕКИСТОН—АРМАНИСТОНГА

ЁРДАМИМИЗНИ АЯМАЙМИЗ

Қардош арман халқи бошига тушган кулфат қашқадарёликларни беҳад ташвишлантирмоқда. Жойлардан область ижроия комитети ҳузурида ташкил этилган штабга келаётган ёрдам бериш истаги ёзилган хат ва телеграммалар оқими кун сайин кўпайиб бормоқда.

Куни кеча «Қаршистрой» бошқармасининг автотранспорт бошқармаси томонидан ташкил этилган махсус колонна — 16 машина қурилиш материаллари ортиб қардош республикага йўл олди.

Ульянов районидаги Меҳнат Қизил Байроқ орденли «Партия XX съезди» совхози ишчилари ёрдам фондига 3,5 минг сўм пул ўтказдилар.

Косон районидаги Свердлов номли совхоз коллективи эса 700412 счётига 11 минг сўм маблағ юборди. «Каршистройиндустрия» бирлашмасида ўтказилган митингда ишчилар ва инженер-техник ходимлар қардош арман халқига қўлдан келган ёрдамни беришга отланганликларини билдирдилар. Коллектив бир кунлик иш ҳақидан 35 минг сўмини 700412 счётга ўтказишга қарор қилди. Шунингдек, «Узбекнефтгазгеология» бирлашмаси Қарши «Керамзит» ишлаб чиқариш кооперативи, «Каршимонтаж», «Каршипромжилстрой» трестлари коллективлари ҳам бир кунлик иш ҳақларини ёрдам фондига бердилар.

Айниқса, Қарши давлат педагогика институти студентларининг ҳиммати таҳсинга лойиқ. Бўлғуси педагоглар зилзиладан қаттиқ зарар кўрган дўстлар соғлиғини сақлаб қолиш учун қон топширмоқдалар.

М. КАРОМОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

КИРОВОКАНЛИК БОЛАЛАР ТОШКЕНТДА ЎҚИШАДИ

Арманистондаги даҳшатли зилзила оқибатида кировоканлик кўпгина болалар жонажон мактаблари-ю, меҳрибон ўқитувчиларидан узоқларда ўқишни давом эттиришга мажбур бўлдилар. Республикамиз мактабларида ҳам арман болаларини меҳрибонлик билан қарши олишмоқда. Ўрта Осиё темир йўли бошқармасининг 37-мактаби икки арман ўқувчисини ўз бағрига олди.

Лилит тўртинчи, Гайт эса иккинчи синфда ўқийди. Тошкентда болаларни илиқ кутиб олишди, уларга зарур бўлган барча ўқув қуролларини ажратиб беришди. Қисқа фурсатдаёқ улар тенгқур болалардан кўпгина дўст орттиришди. Қишки каникулдан сўнг Лилит ва Гайт ўқишни 37-мактабда бошлайдилар.

Суратда: Лилит ва Гайт бир группа дўстлари даврасида.

А. ГОРОКРИК фотоси (ЎзТАГ).

ҲАМИША БИРГАМИЗ

Жиззах шаҳридаги кўпмиллатли пластмасса заводи коллективи биринчилардан бўлиб арман халқига ёрдам бериш ташаббуси билан чиқди. Завод ишчилари Арманистонга жўнатиладиган дастлабки эшелонда 35 минг сўмлик ўзлари ишлаб чиқараётган кундалик эҳтиёж моллари, пластмасса қувурлари, плёнка, болалар учун кўрпа-тўшаклар юборишга аҳд қилдилар.

1-қурилиш материаллари комбинати ишчи-хизматчилари эса табиий офатдан вайрон бўлган шаҳарлар қурилиши учун зилзилага чидамли темир-бетон конструкциялари юбориб туришни ўз зиммаларига олдилар.

— Бевосита оила жамғармасидан Арманистонга юборишни хоҳлаб мурожаат этаётганлар сони тобора кўпайиб бормоқда, — дейди шаҳар Совети ижроия комитети оператив штаб навбатчиси Анорбой Расулев, — ип-йигирув фабрикаси дурадгори Н. Имомназаров, ишчи Ч. Бозоров, пенсионерлардан Р. Айзенян ва Ш. Мирзабекян 386 сўмдан 5 минг сўмгача пул юбордилар.

Жиззах давлат педагогика институти талабаларидан 52 нафари табиий офатнинг эртасигаёқ арман биродарлари учун қон топширдилар. Институтда 30 кишилик қурилиш отряди ташкил этилди.

Қўриқ область шаҳар ва районларида ташкил этилган оператив штабларда иш қизғин олиб борилмоқда.

Б. САТТОРОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

УРГАНЧДАН БИНОКОРЛИК МАТЕРИАЛЛАРИ

Урганч темир йўл станциясидан Ленинакан станциясига «Қардош Арманистонга» деб ёзиб қўйилган бутун бир эшелон жўнатилди. Платформаларда юз минг дона силикат ғишт ортилган. «Хорезмстройматериалы» бирлашмаси коллективи зилзиладан зарар кўрган шаҳарга ана шунча бинокорлик материалини бепул жўнатди.

Шу маҳсулотни ишлаб чиқариш учун бу ерда икки кеча-кундуз тўхтовсиз ишлашди. Кеча-ю кундуз ишлашга ўтган корхона бундан буён ҳам Арманистонга бинокорлик материаллари жўнатаверади. Бу ерда цемент, оҳак, буғ ва бошқа ресурсларни тежаш шахсий счётлари очилган.

Зарар кўрганларга ёрдамни ташкил этувчи область штабидан олинган дастлабки маълумотлар ана шундай. Урганч уйсозлик комбинатининг, тикувчилик бирлашмасининг, Хоразм авиация корхонасининг меҳнаткашлари ёрдам кўрсатиш фондига бир кунлик иш ҳақини ўтказдилар. Урганчда ва Хоразм район марказларида махсус банк счётлари очилди. (ЎзТАГ).

ЗАВОДДА ИЖАРА ПУДРАТИ

«Андижангидромаш» ишлаб чиқариш бирлашмасида қуювчилик участкаси ижара пудратига ўтказилди.

Қуювчилик участкасидаги жиҳозлар ва бино А. Нахмедов бошлиқ бригадага ижарага берилди. Ижара пудратининг шартига кўра маъмурият бригадани зарур хом ашё ва материал билан таъминлашни, коллектив эса планлаштирилган ҳажмдаги маҳсулотни тайёрлаб беришни ўз зиммасига олди.

Бригада ижара тўловини бергандан кейин қолган барча даромадни мустақил равишда тақсимлайди. Бригада бошлиғининг фикрича, бу усул корхонага ҳам, қуювчиларга ҳам фойдали. Чунки бригада ишлаб чиқариш ҳажмини оширишдан, ресурслардан самарали фойдаланишдан бевосита манфаатдор. Айни пайтда бирлашма ишлаб чиқариш маромини яхшилаш ҳисобига фойда олишни кўпайтириш имкониятига эга бўлади.

БЕВОСИТА ШАРТНОМА АСОСИДА

«Дўстлик» ремонт-қурилиш кооперативидан «Узгипросельстрой» институти Гулистон филиали кассасига олти минг сўм пул тушди. Бу якка тартибдаги турар жой биноларини қуриш учун лойиҳа-смета ҳужжатларини оператив тарзда бажарганлик учун тўланган ҳақдир. Бунинг кетидан яна бир қанча пул жўнатмалари келди. Лойиҳачиларнинг тўла хўжалик ҳисобига ва ўзини ўзи пул билан таъминлашга ўтганлиги натижаси ана шундай бўлди. Шу туфайли бевосита шартномалар тузиш ҳам амал қиладиган бўлди.

Бу буюртмачилар учун ҳам қулай, чунки улар энди лимитлар билан чеклаб қўйилмаган. Бу филиал учун ҳам фойдалидир. Унинг кассаси тез бойиб бормоқда. Рентабеллик ҳам ўсмоқда.

Хўжаликларда ҳамкорликнинг янги шакли фойдали эканини дарҳол ҳис қилдилар. Бундай фойда буюртмаларнинг тез ва сифатли бажарилишини таъминлайди. Яқин районларнинг совхозлари билан бир қанча шартномалар тузилди.

(ЎзТАГ).

Календарь — справочник

«Коммунист. Календарь-справочник. 1989.» деган китоб босмадан чиқди. Бу йиллик нашрда партия ва давлат тарихидаги энг муҳим воқеалар, марксизм-ленинизм классиклари, атоқли партия ва давлат арбобларининг асарлари ҳақида ахборот берилган бўлиб, ундан кўп нарсаларни билиб олиш мумкин.

Шунингдек, иқтисодий бўлим материалларига ва партия қурилиши масалаларига ҳам катта ўрин берилган. Справочникни Сиёсий адабиёт нашриёти босиб чиқарди.

(ТАСС).

ҲОВЛИ ТЎЙИ

Янги йил арафасида Косон районидаги Свердлов номли совхоз чорвадорларининг қувончига-қувонч қўшилди. Совхоз маркази Қорабайир посёлкасида барпо этилган коттеж типидаги уй-жойлар фойдаланишга топширилди.

Беш хонали уйлар барча қулайликларга эга. Кенг ва ёруғ хоналар қишда илиқ, ёзда салқин бўлади. Шу куни ишчи Бобомурод Пардаев, шофер Толиб Равшанов сингари 10 га яқин кишига янги уй ордери топширилди.

— Посёлкамизда қисқа муддатда 37 та коттеж типидаги уй барпо этилди, — дейди совхоз директори Тожи Султонов. — Хўжалик ҳисобидан қурилаётган бу бинолар қийматини 50 йил муддатда узиш шарти билан биринчи галда уй-жой шароити ёмон ишчиларимизга беряпмиз. Жами қиймати 16 минг 300 сўм турадиган коттежлар учун дастлаб 10 процент ҳақ олинади, холос. 30 та оила янги йил бўсағасида ҳовли тўйларини ўтказадиган бўлишди. Шунингдек, икки қаватли 140 ўринли болалар боғчаси ҳам битказилиб фойдаланишга топширилди.

Посёлкадаги уйларни 2-«Агропромстрой» трестининг 232-механизациялашган кўчма колоннаси бунёдкорлари барпо этишган. Улар 1989 йилда хўжалик посёлкасида коттеж типида яна 40 та уй, 840 ўринли мактаб, фельдшер-акушерлик пункти ва бошқа маданий-маиший объектлар қуришади.

К. МУСАЕВ.

• *ҚИШЛОВ-СИНОВ*

МЕҲНАТ ҚИЛГАН ЕТАР МУРОДГА

Чорвачиликни интенсив ривожлантириш негизида гўшт, сут, тухум ва бошқа маҳсулотлар етиштиришни кўпайтириш Озиқ-овқат программасини амалга оширишнинг муҳим шартидир.

Лекин кейинги вақтларда айрим областларда чорвачиликка эътибор сусайиб кетди. Баъзи раҳбарлар шошшўхрат изидан қувиб, семирмаган молларни ҳам гўштга топшириб юбордилар. Эртанги кунни ўйламадилар. Буни хўжалигимиз мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Совхозимиз 80-йилларда қолоқликка юз тутди. Турғунлик даври ўз таъсирини ўтказди. Совхоз қамқувват хўжаликка айланди.

Ёшлик йилларимизни яхши эслайман. «Пачкамар» йилловида 45 минг бош совлиқ ўтлаб юрган йирик хўжалик бўларди. Зотдор қорақўл қўйлари, олтинранг ловланувчи сур терилари, хомиқдек юмшоқ жунлари билан машҳур эди. Афсуски, партия, совет ташкилотлари собиқ раҳбарларининг маъмурий-буйруқбозлиги, ортиқча дағдағалари чорвачиликка эътиборсизликни юзага келтирди. Ориқ моллар кўпкўрона гўштга топшириб юборилди. Бундай ачинарли манзара 1986 йил ҳам такрорланди.

Тўғри, ўша йил оғир келди. Далада деярли хашак бўлмади. Бундан область раҳбарлари ваҳимага тушдилар. Нимаики бўлса ҳам масъулиятдан юз ўгириб, кўп қўйларни бошқа областга бериб юбормоқчи бўлишди. Ўша йили 60 минг бош қўй Бухоро областига арзон сотиб юборилди. «Қорақум» ва «Чорвадор» қорақўлчилик совхозлари тугатилди. Бизнинг хўжадикдан ҳам оз эмас — 15 минг бош қўй сўрашди. Агар ана шунча қўйни топширганимизда, совхозимиз тугади, ҳисоби эди. Биз чўпон-чўлиқлар бош мутахассислар билан кенгашиб, «Молларни ўзимиз боқамиз, камомадга йўл қўймаймиз», дедик. Узоқ яқиндан хашак олиб келиб, қорақўл қўйлар туёғини тўлиқ сақлаб қолишга эришдик.

Мана, эндиликда юзимиз ёруғ. Мавжуд 52 та отарда 140 нафар чўпон-чўлиқ 32 минг бош қўйни зоотехника қоидалари асосида парвариш қилмоқда. Кейинги икки йилдан бери гўшт тайёрлаш ва давлатга сотишдан ташқари, қорақўл тери, жун сотиш планларини ҳам ортиғи билан бажаряпмиз. Ўтган йил кўкламда ҳар юз совлиқдан ўртача 107,6 тадан қўзи олинди. Унинг 77 процентини ўстиришга қолдирилди. Лалми майдондан 5 минг 200 тонна галла тайёрлаб, шунинг 2 минг 70 тоннасини давлатга сотдик. Жун тайёрлаш йиллик плани ҳам ошириб уддаланди.

Бизда гўшт етиштиришни кўпайтириш ҳозирча муаммо бўлиб турибди. Агар барча резерв ва имкониятлар ишга солинмаса, қўйлар туёғи камайиб кетиши турган гап. Гўшт етиштиришнинг бошқа бир резервини ишга солдик. Чўчқачилик йўлга қўйилди. Икки йиллик қисқа муддат ичида чўчқалар 400 бошга кўпайди. Яқинда давлатга 35 тонна чўчқа гўшти топширдик. Совхозда ўрдакчилик ҳам ривожланяпти. Қисқа вақтда ўрдаклар ўн беш мингтага етказилди. Унинг 11 минг донаси яқинда гўштга топширилди.

Бурноғи йили шулар ҳисобидан 170 минг сўм соф фойда олинган бўлса, ўтган йили бу кўрсаткич ярим миллион сўмдан ошди. Бизда ўз касбининг ажойиб усталари, чорвачилик касбини улуғлаб, элюрт ҳурматини қозонган чўпонлар талайгина. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ҳамид Эргашев, Ленин ордени нишондори Номоз Раҳматов, республикада хизмат кўрсатган чорвадор Турди Шойқулов, Худоёр Раҳимов, Норқобил Тўраев каби машъал қўйчивонлар шулар жумласидан.

Ютуқлар албатта, ўз-ўзидан келаётгани йўқ. Биринчидан, одамларнинг чорвачиликка муносабати яхшиланди. Иккинчидан тармоқ озуқа базаси мустаҳкамланди. Лалми майдонларда арпа-буғдой етиштириш қўпайди. Бундан ташқари, 350 гектар суғориладиган ер ўзлаштирилиб, озуқабоп экинлар — беда ва маккажўхори етиштиришни йўлга қўйдик.

Ҳозир яйловларда чорвадорларнинг турмуш маданиятини, социал-маиший аҳволини яхшилаш мақсадида қатор тадбирлар ишлаб чиқилди. Республика яйловмелиоратив бошқармаси ходимлари ёрдамида узоқ яйловларга ва аҳоли пунктларига водопровод ўтказилмоқда. Совхоз марказида ҳаммом ишга туширилди. 323 ўринли типовой мактаб, клуб, чойхона ва магазин қурилиши учун лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрланди. Фермаларни телефонлаштириш мақсадида 100 номерли АТС қуриляпти.

Қатор қишлоқларимизда йўловчиларга қулайликлар яратилди. Ўн олтита қишлоқ йўли текисланиб, тош тўкилди. Хўжалик марказий қўрғонида қурилаётган 24 та кооператив уйдан 12 таси фойдаланишга топширилди.

Истиқболга назар ташланса, амалга оширилаётган ишлар ҳамир учидан патир, холос. Чорвачилик тараққиёти суғориладиган экин майдонларини янада кенгайтиришни тақозо этади. Бу — ўн йил олдин ҳам орзу қилинган эди. 1971 йили совхознинг Тоштепа участкасида селхона қурилиши планлаштирилиб, лойиҳаси ҳам тайёрланганди. Афсуски, қурилишни ўз зиммасига олган «Каршистрой» бошқармаси раҳбарлари селхона барпо этишни унутиб юборадилар. Масала ўтган йил бошида яна кўтарилди. Бошқарма бош инженери Тоҳир Эргашев ҳademай қурилишни бошлаб, йил охиригача тугатиб беришни ваъда қилганди. Аммо, ваъдалар пуч бўлиб чиқди. Ҳолбуки, селхона қурилишидан совхозимиз қатта фойда кўради: 400 гектар янги ерни ўзлаштириш имкони яратилади, баҳорда Деҳқонобод тоғларидан оқиб келадиган тошқин сувлар йўли тўсилади, яйловлардаги қўтонлар, қудуқлар чўкишдан, экин майдонлари сел ювишидан сақлаб қолинади.

Совхозимиз ҳademай тўла хўжалик ҳисобига ўтиб ишлай бошлайди. Бунинг учун яйловларни яна бир карра кўриб чиқишимиз, реконструкция қилишимиз керак. Қорақўл қўйлар ва чўчқалар бош сонини муттассил кўпайтириб боришимиз, шунинг эвазига ҳар йили 400—450 тонна гўшт тайёрлашга эришишимиз зарур.

Айни кунларда чорвадорлар барча молларни қишловдан семиз, соғлом олиб чиқиш билан маҳсулдорликни тобора ошириш чораларини кўришяпти. Бундан буён ҳам тадбиркорлик билан иш юритиб, эл маъмурчилигига ҳисса қўшишга ҳаракат қилаверамиз, дейишмоқда, улар.

Ўткир ЖУМАЕВ,
Ғузор районидаги «Пачкамар» совхози директори.

ДАРОМАДГА ЯРАША БУРОМАД

Қайта қуриш, жадаллаштириш ва янгича ишлаш хўжаликни оқилона юритишга, туб иқтисодий ислоҳотни амалга оширишга, коллективнинг ҳар бир сўмини тежаб-тергаб сарфлашга кенг йўл очиб берди. Энг муҳими, деҳқон мустақил фикрлайдиган, белгиланган план ва топшириқларни ошириб бажаришга астойдил интиладиган бўлди.

Бунинг ёрқин мисолини Элликқалъа районидаги «Қирққизобод» колхози коллективи мисолида кўриш мумкин.

А. ОЛИМОВ, колхоз раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони: — Хўжалигимизда КПСС XXVII съезди, XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси, КПСС Марказий Комитетининг кейинги Пленумлари қарорлари асосида қишлоқ хўжалигини, айниқса, пахтачиликни ривожлантиришда, озиқ-овқат программасини амалга ошириш борасида муайян ишлар қилиняпти.

Бригада бошлиқлари, айрим мутахассисларнинг сайлаб қўйилиши пахтачиликда эмас, қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларида ҳам яхши самара беряпти. Айниқса, бу меҳнат интизомини мустаҳкамлаш билан бирга меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот таннархини арзонлаштириш, унинг сифатини яхшилашда катта роль ўйнамоқда.

Хўжалик ҳисоби, ўз харажатларини ўзи қоплаш, ўзини-ўзи пул билан таъминлаш ишлаб чиқаришни юритишнинг энг зарурий муҳим омили бўлиб хизмат қилмоқда. Колхозимиз шундай усулда ишлаётгани учун ҳам 22 бригада, 62 оилавий пудрат звеноси пахта тайёрлаш плани ва социалистик мажбуриятларини ошириб бажарди. Ўтган йилнинг июль ойида хўжалик ҳисобига ўтиб ишлаётган чорвачилик фермаси ва ремонт устахонаси ҳам планларини ошириб бажаришга эришдилар.

Давлатга топширилган пахта 6064 тоннадан ошди. Ҳар гектар майдондан 30 центнердан ҳосил олинди. Пландагидан 764 тонна — ўтган йилгидан 850 тоннадан кўпроқ пахта сотилди. Умумий ҳосилнинг 65 проценти «зангори кема»ларда териб олинди.

Бу йилги мўл ҳосилга тайёргарлик ишларини октябрь ойида бошлаб юборгандик. Экин майдонларини шудгорлаб қўйдик. Далаларга маҳаллий ўғит чиқариш, шўр ювиш, яхоб бериш қизғин.

Қ. ОТАМУРАТОВ, 13-бригада бошлиғи: — Бригада бошлиғи — ишлаб чиқариш командири. Кези келганда у тадбиркор, ўз коллективининг чинакам раҳбари сифатида иш юритиши керак.

Ҳамкасбларимдан — М. Қаландаров, Э. Серекеев, Б. Қурбоновлар ана шундай кишилар. Улар бошчилик қилаётган бригадаларда гектаридан 33-35 центнердан ҳосил олинди. Бошқа ўнлаб бригадаларда социалистик мажбуриятлар ошириб адо этилди. Ҳозир ҳамма экин майдонлари шудгор қилинди, ариқ-зовурлар тозаланди. Маҳаллий ўғит жамғариш давом этмоқда.

Бизнинг бригадада эса 97 гектар майдонга чигит экилиб, унинг ҳар гектаридан 26,8 центнер ўрнига 33,8 центнердан ҳосил кўтарилди.

Бригадамизда еттита оилавий пудрат звеноси бор. Уларнинг ҳаммаси пахта тайёрлаш планларини ошириб бажарди. Янги йилдан бошлаб бригадамиз тўла оила, ижара пудратига ўтиб ишламоқда.

О. АВЕЗОВ, колхоз механизатори: — Хўжалигимизда умумий ҳосилнинг 3500 тоннадан кўпроғи «зангори кема»ларда терилди. Машина терими плани ошириб бажарилди. Ҳар бир машинадан тўкилган пахта 173 тоннадан ошди. Ҳамкасбларимдан О. Бобожонов, Р. Олланазаров, И. Раҳмонов, А. Каримбоев каби механизаторларнинг ҳар бири 185-210 тоннадан ошириб пахта тўкдилар. Шахсан ўзим 227 тонна пахта тердим.

Шу кеча-кундузда механизаторларимизнинг бир қисми маҳаллий ўғит жамғаришда, фермаларда ишлашяпти, бир қисми техника ремонти ишлари билан банд.

Ю. ҚИЛИЧОВ, колхоз бош бухгалтери: — Хўжаликни юритишнинг янги усули туфайли пахтачилик, қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқлари комплекс ривожланмоқда. План ва социалистик мажбуриятларнинг ошириб бажарилиши ва маҳсулот сифати яхшиланаётганлиги колхоз экономикасини юксалтиряпти. **Бригада, оила, ижара пудрати бу соҳада яхши иш беряпти.**

Колхозимизнинг умумий даромади бу йил 5 миллион сўмдан ошиб, фақат пахтачиликдан 4,4 миллион сўм даромад олинади. Камида 1,2 миллион сўм соф фойда олиш кутилмоқда.

Чорвачилик рентабелли тармоққа айлантирилди. Гўшт, сут, тухум олиш аввалги йиллардагидан анча кўпайди. План топшириқларининг ошириб бажарилиши таъминланмоқда.

Бир центнер пахтанинг таннархи пландаги 58 сўм 30 тийин ўрнига 56 сўм 14 тийинга тўғри келяпти, яъни 2 сўм 16 тийинга арзонлашди. Колхозчиларнинг ўртача ойлик иш ҳақи 168 сўмга тўғри келган бир пайтда 9-бригада аъзоларининг бир ойлик иш ҳақи 175 сўмга, 16-бригада аъзоларининг бир ойлик иш ҳақи 172 сўмга борди.

Қ. АБДУРАҲМОНОВ, колхознинг қурилиш бўйича инженери: — Колхозимизнинг экономикаси ривожланган сари қурилиш ишлари ҳам кенг кўламда олиб борилмоқда. **Ҳозиргача 1 миллион сўмликдан кўпроқ қурилиш ишлари бажарилди. Савдо маркази, икки жойда фельдшерлик-акушерлик пункти, маиший хизмат кўрсатиш уйи, аралаш моллар магазини, 11 та дала шийпони қурилиб, ишга туширилди. 300 ўринли ёзги кинотеатр, спорт комплекси қурилди.** М. Горький номли саккиз йиллик мактаб реконструкция қилинди. Фрунзе номли ўрта мактабда қўшимча синф хоналари, ошхона, 50 ўринли касалхона ва бошқа маданий-маиший объектлар фойдаланишга топширилди. Ҳар йили 40 дан кўпроқ оила янги уйлар қуриб олиб, ҳовли тўйлари ўтказмоқда. **Бироқ якка тартибда уй қуриб олишни кенгайтиришга цемент, ёғоч, тахта, фанер, мих ва бошқа қурилиш материаллари етишмаслиги тўсиқ бўляпти.**

Одамларнинг кайфияти нечоғлик яхши бўлса, ҳар қандай иш юришиб кетаверади. **Ҳамма ҳужжатлари тайёр бўлишига қарамасдан хонадонларга табиий газ келтириш, водопровод линиялари қурилишини тезлаштириб, аҳолини ичимлик сув билан таъминлаш каби ишларнинг юришмаётганлигини қандай баҳолаш мумкин?**

Тегишли ташкилотлар бу борада бизга амалий ёрдам беришларини сўрардик. Шундагина буромадимиз чинакам маънода даромадимизга яраша бўларди.

Дунё овози

СОВЕТ ЭЛЧИХОНАСИДА ТАНТАНАЛИ МАРОСИМ

СССРнинг Францияда элчихонасида КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси М. С. Горбачевга берилган «Йилнинг энг машҳур одами» дипломи ва эсдалик медалини топширишга бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди. Бу мукофотни унга «Йилнинг энг машҳур одами» халқаро жюриси берди, мазкур жюри 1970 йилдан буён турли соҳалардаги энг машҳур арбобларни муттассил белгилаб келмоқда.

М. С. Горбачев Ер юзида тотувлик ва ҳамкорлик муҳитини вужудга келтиришга қаратилган куч-ғайратлари (бу куч-ғайратлар бир қанча дипломатик ғалабаларга олиб келди), унинг Совет Иттифоқидаги фаолияти, ташкилотчилик қобилияти ва ташаббускорлиги учун ана шу мукофотга сазовор бўлди, деди тантанали маросимда сўзга чиқиб «Йилнинг энг машҳур одами» халқаро жюрисининг президенти Лео Сонегон. Бу куч-ғайратларга халқаро ҳамжамият юксак баҳо берди, бу куч-ғайратлар халқаро вазиятни яхшилаш, тинч-тотув яшаш учун янги имкониятлар очиб бермоқда. М. С. Горбачев совет халқининг мададига таяниб, СССРда сиёсат, экономика ва маданият соҳасида ҳар жиҳатдан ўзгаришлар йўлини ўтказмоқда.

(ТАСС).

ВОРОНЦОВ ПОКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ БИЛАН УЧРАШДИ

ИСЛОМОБОД, 5 январь. (ТАСС). Бугун бу ерда СССР ташқи ишлар министрининг биринчи ўринбосари Ю. М. Воронцов Покистон президенти Ғулом Исҳоқхон билан учрашди. Суҳбат чоғида асосий диққат-эътибор Афғонистон муаммосини ҳал этиш масалаларига қаратилди. Томонлар Совет — Покистон муносабатларининг аҳволи ва истиқболларини ҳам муҳокама қилдилар.

ЗИЛЗИЛАГА БАРДОШЛИ ҚУВУРЛАР

ТОКИО, Япония ва АҚШ мутахассислари қаттиқ зилзила бўлганида ҳам бузилиб кетмайдиган ер ости газ ва водопровод системалари учун қувурлар тайёрлашмоқчи. Япония тадқиқотчилари ўз ишларининг натижаларини синовдан ўтказиш мақсадида бир неча метр узунликдаги бир-бирига уланган қувурларни ер остига кўмиб қўйиб, экстремал шароитда бу қувурларнинг зилзилага бардош беришини ўрганиш ниятидадирлар.

Эксперимент Токио билан қўшни бўлган Тиба префектурасида ўтказилади, бундан бир йил муқаддам бу ерда қаттиқ зилзила бўлганида иморатлар вайрон бўлган ва одамлар нобуд бўлган эди. Америкалик мутахассислар ҳам Калифорния штатида ана шундай тадқиқотлар ўтказишмоқчи. Сейсмик жиҳатдан жуда актив зонада жойлашган Япония учун бу муаммони ҳал этиш жуда муҳимдир. Масалан, 1978 йилда Сендай шаҳри районида зилзила оқибатида шикастланган водопровод ва бошқа коммунал шохобчаларини тиклаш учун бир ой зарур бўлган эди. (ТАСС)

Шойи ишлаб чиқариш муаммолари

Ўтган йили машҳур Хитой шойиси экспорти пул билан ҳисоблаганда 20 процент кўпайди ва 1,6 миллиард долларни ташкил этди. Ҳозир дунёда етиштирилаётган пилланинг 90 проценти ва табиий ипакдан тайёрланган маҳсулотнинг 40 проценти Хитой улушига тўғри келади.

Хитой бош ипак экспорт-импорт корпорацияси вакилининг далолат беришича, чет эл валюта тушуми чет мамлакатларга ипак етказиб бериш ҳажмини кўпайтириш натижасида эмас, балки пилла нархининг ортиши сабабли кўпайди. Бундай тенденция жаҳон бозорида ипакка талабнинг камайиб кетиши хавфини келтириб чиқаради. Ҳозирги вақтда 1 килограмм хом пилла деярли 50 доллар туради, ўтган йилнинг бошларида унинг нархи 20 доллардан сал қимматроқ эди. Пилла нархининг ортиши муқаррар равишда харидорларнинг синтетик газламани афзал кўришига олиб келиши мумкин, ипак эса сотилмай қолади, деди корпорация вакили. (ТАСС).

БИРДАМЛИК МИТИНГИ

ҚОҲИРА. Бу ерда Фаластин революцияси ва Исроил босиб олган араб территорияларидаги халқ қўзғолони билан бирдамликка бағишланган кўп кишилик митинг бўлди. Митингда бир қанча араб мамлакатларининг делегациялари, Миср Араб Республикасининг министрлари, сиёсий, жамоат, ёшлар ва касаба союз ташкилотлари вакиллари, Мисрда таълим олаётган фаластинлик студентлар ва мактаб ўқувчилари қатнашдилар.

Фаластин Озодлик ташкилоти ижроия комитетининг раиси Ясир Арафат митингда сўзга чиқиб, Фаластин халқига ёрдам берганликлари ва уларни қўллаб-қувватлаганликлари учун, Фаластин Озодлик ташкилотининг Яқин Шарқ мозаросини тинч бартараф этиш йўлларини излашга доир кучғайратларига учун халқаро ҳамжамиятга, Ер юзидаги тинчликсевар кучларга, барча араб давлатларига миннатдорчилик билдирди.

ЭЛ ХИЗМАТИДА

Учқўрғон район матлубот жамиятида Наманган областида биринчи бўлиб, «Сельхозоготпром» корхонаси ташкил этилди. Айни пайтда корхона коллективи «Ленинчи» колхози территориясида иш олиб бормоқда. Унинг асосий вазифаси — қишлоқ хўжалик маҳсулотларини аҳолидан сотиб олиб, қайта ишлаш ва реализация қилиш. Шу мақсадда кооператорлар қабул пунктларни очишди.

Маҳсулотни реализация қилувчи магазинлар ҳам шу пунктлар ёнида. Шу ернинг ўзида энг кўп маҳсулот топширганларни рағбатлантириш учун ноёб буюмлар билан савдо қилинади. Бу аҳолига манзур бўлаётир.

Корхона ўтган йилнинг ўзида 350 минг сўмлик маҳсулот реализация қилди. 10 минг сўмдан знёд соф фойда кўрилди.

Суратда: колхозчи, меҳнат ветерани Ёқубжон Жўраев сотувчи Сафар Исроиловдан маслаҳат олаётир.

А. КОВТУН фотоси. (ЎзТАГ).

• *Энг яхши анъаналар—ҳаётга*

ОДАМЛАР ВА ОДАТЛАР

Безатилган енгил автомобиль тўйхона дарвозаси олдида оҳиста тўхтади. Янгалар, хотин-халаж келинни машинадан кўтариб олгудек енгилгина тушириб қўйдилар. Келин дарвознинг қоқ ўртасидаги алангага дўст-ёрлари ила яқинлашиши билан сурнай навоси янграб кетди...

Тўйхонага ташриф буюрган борки, гулхан атрофига тўплана бошлади. Ўйин-кулги, аския, ханда авжга чиқди...

Хоразмда авлоддан авлодга ўтиб келаётган қадимий удумлар бу. Ҳа, ўт—ёруғлик ва ҳаёт рамзи. Одамлар шодиёна маросимларни гулхан атрофида ўтказишга қадимдан одатланганлар. Меҳмонга ўчоқ бошидан жой берганлар. Кирланган, ифлосланган идишларни сув билан ювишга қаноатланмай, уларни ўт билан поклаганлар.

Халқимизда яна бир чиройли удум бор. Хоразмнинг қаерига борманг, тандир ёнидан ўтсангиз, нон ёпаётган аёл сизга «нон еб ўтинг», дея илтифот қилади. Бу нон-туз ҳурматини баланд тутиш ифодаси бўлиб, айни вақтда кишини нон-туз олдида бурч-доп қилади. Нонни ўртага қўйиб онт ичган киши ҳақлигини исботлар ва буни ҳамма тан оларди. Нон ушоғини ердан олиб, манглайига суриб бир четга қўйиб қўйиш одоб белгиси саналади. Бундай ажойиб анъаналаримиздан инсоний сифатлардан узоқлашиш эса фақат эътиқод субутсизлигига олиб келади.

Ён қўшни-жон қўшни, деган мақол бор.

...Урганч шаҳридаги, 13-маҳаллада икки хонадонга ўт кетди. Мол-бисотнинг ҳаммаси ёниб кулга айланди. Хонадон эгалари Қодир Султонов билан Маҳмуд Болтаевга ишчи ҳамкасбларигина эмас, қўни-қўшнилар ҳам ёрдамга шошилдилар. Ҳар ким қўлидан келган кўмакни улардан аямади. Бировлар кўрпа-тўшак, рўзғор буюмлари, озиқ-овқатдан қарашса, бировлар бинокорлик материаллари топиб беришди, ҳаммага етиб келишди. Қисқа вақт ичида иккита данғиллама иморат қад кўтарди. Фақат оила аъзолари кучи билан бундай иморатни тиклаш амри маҳол эди. Ҳамсояларнинг шу тахлитда бир-бирига мурувати, қувонч ва ғамни баҳам кўриши ўзаро аҳиллиги ҳаётга файз бағишлайди.

Қўшничилик анъаналарига амал қилмай, бир-бирини ранжитаётган қўшнилар ҳам йўқ эмас. Биз Хоразм область халқ суди вакиллари билан суҳбатлашганимизда қўшнилар ўртасидаги можаролар билан боғлиқ граждонлик ишлари кўпайиб бораётганлигини таассуф билан эътироф қилдилар. Тавба, нега бундай бўляпти?!

Бу саволга урганчлик меҳнат ветерани, СССР халқ ўқитувчиси Марям Ёқубова шундай жавоб берди: Одамларда инсоний фазилатларни тарбиялаш лозим. Бир-бировига меҳр-муҳаббат бўлмаган жойда самимият, ўзаро тотувлик бўлиши қийин.

Ҳақ гап. Кўп ерларда қўшничилик дастурларидан чекиниш юз берганлиги ҳеч кимга сир эмас. Шундай қўшнилар ҳам борки, йиллар мобайнида ёнма-ён яшаб, бир-бирини танимайдилар ёки юз кўрмас бўлиб кетганлар.

Қўни-қўшни, эл-элат ҳамжиҳат бўлса, битмайдиган иш, олинмайдиган қўрғон йўқ. Халқ ҳашари бунга мисол бўла олади. Лекин ҳашарнинг турлари кўпайиб кетганлиги, баъзи ҳолларда ихтиёрийлик принципига хилоф иш кўрилаётганлигидан ташвишланмай бўлмайди. Ҳадеб қишлоқ хўжалик ишларига, масалан, ғўзани яганадек, «селитра»га семирган жилди қадин, мағзи пуч китобларни ўқишга кимда тоқат бор?

Уқувчилар қалбидан чуқур ўрин олаётган, юксак эътиқод руҳи билан суғорилган асарлар ўз қадрини топяпти. Нусхалари талаш бўляпти. Айтмоқчимизки, ҳақиқатга, маънавий камолотга интилаётган халққа унинг чанқоғини қондирадиган китоблар керак. Шундагина бундай китоблар табаррук саналиб, эъзозга мушарраф бўлади.

Китоб ҳақида гап борар экан, халқнинг севимли анъанаси — китобхонлик ҳақида сўзламоқ жоиз. Маҳбубий таҳаллуси билан шеърлар ёзувчи ҳоразмлик Абдуқодир отанинг ҳикоя қилишича, илгарилари хамсахонлик, бедилхонлик, «Шоҳнома» ва халқ достонларини ўқишлар қариялар базмига файз киритган. Давраларда кўп сонли қизиқувчилар, жумладан, ёшлар ҳам суҳбатларга қулоқ солиб ўтиришган, ҳикматлар хазинасидан баҳраманд бўлишган. Бундай давраларнинг аҳамияти катта ва ҳар томонлама бўлганлиги шубҳасиздир.

30-йиллардаги репрессия оғуси ижтимоий муҳитни заҳарлаган кезларда бу анъана ҳам зарбага нишон бўлди. Араб хатида битилган не-не китоблар ўтда ёнди, қаро ер бағрида хор бўлди. Эски китоб ўқилган давралар бузилди, унинг иштирокчилари қамоқ ва сургунга маҳкум этилди.

Гурланликлар мана бу муҳиш воқеани ҳануз эслашади. Беговул қишлоғида илми, яхши хислатлари билан элда ҳурмат қозонган, аёлларни ўқитиб, саводли қилган онахон Бибижон Исмоилованинг саксон ёшида диний китоб ўқишда айблаб қамоққа олишган ва момо қамоқда оғир аҳволда вафот этган. Ҳолбуки, уйига ўша қизғунлар бостириб кирган кечада Бибижон момо ўзининг ҳамиша ўқиб юрадиган севимли «Аҳлоқул-муҳсинин» («Яхши хулқлар») китобини ўқиб ўтирар ва бу китоб инсоний фазилатлар таърифидан иборат эди. У даврларда ноҳақ айбланиб, момо сингари фожеали қисматга дучор бўлганлар кўп учрарди. Бундай ҳоллардан саросимага тушган одамлар аввалгидек китобхонлик нари турсин, эски китобларни қўлга олишдан ҳам қўрқадиган бўлди.

Покланиш даврининг тоза ҳавосидан эркин нафас олаётган халқимизда китобга меҳр уйғонаётганлиги қутлашга арзигулик воқеа. Китобсеварлар жамияти фаолияти, навоийхонлик, пушкинхонлик ва бошқа тадбирлар таомилга кирганлиги яхши, албатта. Эндиликда китобхонлик халқ удумига чуқурроқ сингиб, қарияларимиз базмини ҳам гуллатса айни муддао бўларди.

Юқорида биз халқимиз тарихининг турли давраларида вужудга келган, моҳият эътибори билан эзгулик ва инсонпарварликни акс эттирувчи баъзи анъаналар хусусида тўхталиб ўтдик. Уларни ёдлаш, сақлаш ва авлодларга етказиш бурчимиз эканлигини эсда тутишимиз зарур.

Фозил ЗОҲИДОВ.

• ТЕХНИКА ЯНГИЛИГИ

«Касансаец» — юқори унумли агрегат

Косонсой районининг «Тожикистон» қўй-эчкичилик совхози слесари, ихтирочи-рационализатор Фазлиддин Адашев хашак майдаловчи янги агрегат яратди. Агрегатни «ИГК-Касансаец» деб номлашди, уни Косонсой дағал хашак майдалагичи ҳам дейишмоқда.

Агрегат қувватни электр манбаидан олади. Иш унуми гоят юқори. Соатига 20 тоннадан 50 тоннагача турли хашак ва бошқа озуқа аралашмаларини зарур даражада катта-кичиқ қилиб майдалаш имкониятига эга. Ҳозирга қадар ишлаб чиқарилган бирор турдаги хашак майдаловчи агрегатда бундай унумдорлик бўлмаган. Унинг яна бир қулайлиги шундаки, агрегат майдаланаётган хашакни бутунлай чангдан тозалайди, тош ва бошқа қаттиқ жисмлар аралашиб кетмайди, темир-терсак парчаларини махсус магнит ушлаб қолади. Кўриниши жуда ихчам, вазни ҳам оғир эмас. Агар «ИРМ-165» маркали хашак майдаловчи агрегатнинг оғирлиги 6 тонна бўлса, янги агрегат атиги 2 тоннадан сал ошиқроқ. Ёки «ИРМ-165» 132 киловаттли электр двигатели билан ишласа, «ИГК-Касансаец» агрегатидан фойдаланиш учун 90 киловаттли двигатель кифоя қилади.

М. ЭРГАШЕВ,
Наманган область Косонсой район «Ленинчи» газетаси агросаноат бўлими мудири.

РОСТ ҚАЙДА, ЁЛҒОН ҚАЙДА?

АКС-САДО

«Ҳақиқатгўй Муҳаммаднинг икки хил сўзи» мақоласининг муаллифлари ўз ўқувчиларига дастлабки сатрлардаёқ «бир чимдим ҳақиқат»ни ҳавола этадилар. Ҳақиқатан ҳам «Нью-Йорк таймс» газетасига интервью берган эдим. Мен мухбирга айтган жумла қуйидагича: «Сталинча «пахта мустақиллиги» концепцияси бизнинг халқимизни пахтага занжирбанд қилиб қўйди». Мен бу фикримдан воз кечганим йўқ, буни «чет эл учун» эмас, айтиш имкони бўлган ҳамма жойда айтганман. Ўзбекларнинг саксон фоизи қишлоқларда яшайди ва «оқ олтин» етиштирадилар. Мен пахтага занжирбанд, деб назарда тутган халқ шу эди.

Муаллифлар мени туркманлар, руслар, украинлар, яҳудийлар, белорусларга қарама-қарши қўйибдилар. Бир одам учун бу кўплик қилмасмикин?

Мен «XIX партия конференциясига таклифлар»га имзо чекканлардан бириман. Унда Орол тўғрисида, сувни иқтисод қилиш, жумладан Қорақум канали ҳақида мулоҳазалар айтилганди. Ҳозирги Кружилин ва Ҳисомов мени худди ўша пахта машаққатларини бошидан кечираётган туркманлар учун Орол керак эмас, дейди деб ўйлашса?

Наҳотки муаллифлар Бўстонлиқ муаммоларини шу ерда туғилиб, Ўзбекистонни ўз ватанлари деб билган ва биз билан бирга яшай турган, республикамизни авлодларга қай аҳволда қолдирамиз дея қайғурувчи бошқа миллат вакилларига ҳам эмас, фақат ўзбекларгагина тааллуқли деб ишонадилар?

Бошқа барча халқлар сингари ўзбекларнинг интернационализмига ҳам шиорлар эмас, балки халқ ҳаёти шаҳодатдир. Мисол келтириб ўтирмаймиз. Биргаликдаги кўп йиллик ҳаётимизда миссоллар жуда кўп. Лекин ўзбек халқи ўз интернационализмини ҳеч қачон рўкач қилган эмас. Зеро, бундай хусусият у ёки бу даражада ҳар бир халқ вакилларига хосдир. Бироқ ўзбек фақат ўзбек бўлганидан, рус эса фақат рус бўлганидан «миллий ғурурланиши» бизга кулгили туюлмайдими? Ҳар ҳолда миллий қадр-қиммат бор ва у даҳлсиз бўлиши лозим. Ва шуни унутмаслик керакки, миллатчилик осмондан тушмайди, у деярли ҳамиша шовинизмнинг акс-садоси сифатида юзага келади. Шундай деб революция доҳийси айтган эди. Биз ўз фойдамизга хизмат қилса, ундан тез-тез кўчирмалар келтиришга, аксинча бўлса билмаганга олиб суқут сақлашга одатланганмиз.

Ю. Кружилин ва И. Ҳисомов «Америкада Салой Мадаминов бўлгинини камдан-кам киши билиши»ни ёзадилар. Керак бўлса, Америкада нафақат мени, балки бутун Ўзбекистонни ҳам «билмайдилар». Агар бугун бизни «у ёқда» билишмас экан, бунга биз айбдор эмас, балки бу бутун халққа битта «кўйлак» кийдирган, маданият ва тафаккур ривожини бир қолипга солган сталинча миллий сиёсат оқибатидир.

«Ҳақиқатгўй Муҳаммаднинг икки хил сўзи» мақоласи муаллифлари пахта мустақиллиги мамлакатнинг омон қолиш шарти эди, ҳозир ҳам шундай ва унинг монокультурага ҳеч қандай алоқаси йўқ, деб ёзадилар. Аммо шу заҳотиёқ монокультура мавжуд эканлигини тан оладилар. Тан олибгина қолмай, ўз кабинетларида ўтириб, шунга даъват этадилар: «Ҳосилдорликни ҳар қандай усуллар билан оширсак, экин майдонларини қисқартирсак, шунда монокультурага чек қўйилади».

Монокультура нима ўзи? 1929 йил СССРга пахта тоталасини етказиб берувчи асосий мамлакат АҚШ учун иқтисодий бўҳрон йили бўлди. Бу ва бошқа сиёсий сабаблар Американи биз билан савдо сиёсатини ўзгартиришга мажбур қилди — улар бизга пахта бермай қўйишди.

Сталин Ўзбекистонда бу қимматбаҳо хом ашё ишлаб чиқаришни кўпайтиришни буюрди. Экин майдонини 800 минг гектарга етказишди. 1930 йилда биринчи марта зиёлилар ҳам пахта теримига жалб қилинди. Аммо 1934 йилгача пахта плани тўлмади. Бунинг сабабини аниқлаш учун ВКП(б) Марказий Комитети комиссия юборди. Комиссия аниқладики, деҳқонлар оч экан. Улар етиштирган пахталарини ниҳоятда арзонга — тўрт тонна пахтани бир тонна буғдойга айирбош қилишга мажбур экан. Сталиннинг раҳми келиб, деҳқонларни тўйғазинг, ана шунда пахта ҳам бўлади, деб буйруқ берибди. «Халқлар отаси»нинг бу фикри ўз мевасини берди. 1936 йилда Ўзбекистон 1 миллион тонна «оқ олтин» «армуғон» этди. Шундан бу ён шахсга сиғинийш бизда пахтага сиғиниш рамзига айланди. Биз ҳатто инсонга таъзим қилишни унутсак ҳам пахтага сажда қилишни унутмадик. Нафақат деҳқонлар, балки ишчилар, зиёлилар вакиллари ҳам республикада бу ўсимликка сиғиниш руҳида тарбияландилар. Пахта дастидан боғлар, ўтлоқлар, тўқайлар барбод қилинди, қишлоқлар йўқотилди, одамлар жабрландилар. Мана, монокультура нима дегани.

Муаллифлар мени «совет миллий сиёсатини Гиммлернинг босиб олинган территориялардаги сиёсатига тенглаштирди», деб айблайдилар. Бу — жиддий айбномадир. Бу ерда аниқ фактлар керак.

Мен чиндан ҳам «илмий институтларнинг бирида» нутқ қилган эдим. Фақат «совет миллий сиёсати» ҳақида эмас, демография хусусида гапирган эдим. Булар бошқа-бошқа нарсалар. Сўзимнинг охирида мен можор ёзувчи Дюла Фекет мақоласидан шундай парча келтирган эдим: «Бу территорияда (Россиянинг немислар босиб олган территориясида) биз онгли равишда аҳоли сонини қисқартириш сиёсатини олиб боришимиз керак. Тарғибот, биринчи навбатда матбуот, радио, кинофильмлар, варақа ва брошюралар ёрдамида аҳоли онгига мунтазам равишда кўп бола туғиш ёмонлигини сингдиришимиз лозим. Бола тарбияси жуда катта харажат талаб қилишини, бу пулга қанча-қанча нарсалар олиш мумкинлигини, аёллар кўп туғса, соғлиғига катта зарар етишини таъкидлаш керак ва ҳоказо». («Иностранная литература», 1988 йил, 5-сон).

Фекет бу сўзларни Гиммлернинг нутқидан олган. Бу кўчирмани келтирар эканман, мен уни ҳатто бир оғиз сўз билан изоҳлаганим йўқ.

Интернационализм ҳар жабҳада тенг ҳуқуқли икки томоннинг ўзаро суҳбати, бир-бирини англашидир. Мен ҳеч қачон одамлар орасига нифоқ солмаганман. Дўстлик, ҳурмат, бирдамлик туйғуси, миллатидан қатъий назар ҳар бир виждонли одам каби мен учун ҳам муқаддасдир.

Мақолада мен ўз укамга кўрсатган «ёрдам»га алоҳида эътибор беришибди. Келинг, орани очиқ қилиб олайлик. Укам М. Бекжон 1979 йили Ёзувчилар союзи тавсиясига кўра Москвадаги М. Горький номидаги Адабиёт институтига кириб, уни тугатган. Мен бор мансабимни ишга солганимда ҳам уни Ёзувчилар союзига аъзо қила олмас эдим. Чунки Ёзувчилар союзига аъзо бўладиган одам олдида жанр бўйича совет, яширин овоз комиссияси каби бир талай синовлар бор. Бу синовлардан ўз қариндошимни «олиб ўтиш» виждонимни таққиллаш билан баробар. «М. Бекжонга ажратилган дала ҳовли» масаласига келсак, бу ҳам ёлғон. У боғдорчилик ширкатидан ер олди. Буни истаган ҳар бир одам олиши мумкин. Бунинг устига ер унга ишга келмасимдан анча олдин берилган.

Мақолада, шунингдек, мен укамни уйга навбатда турганларнинг олдинги қаторига ўтказиб қўйганим ҳақида ҳам ёзишибди. Ахир, у уйга муҳтожлар рўйхатига киритилган ва ҳали ҳам ўша рўйхатда турибди. Мен у квартира олиши учун ҳеч нарса қила олганим йўқ. Чунки одам уй-жойсиз ҳеч бўлмаса ўн йил сарсон бўлиши керак, деган тушунчага ўз ҳаётим мисолида қўниқиб кетганман. Мен секретарь сифатида бундай ёрдамни бегона уйларда қисиниб яшаётган бошқа шоир ва ёзувчи ёру биродарларимга ҳам қила олмадим.

Мақола муаллифлари ёзишича, республика ЛКСМ Марказий Комитетининг мен билан баҳслашишга журъат этган ходимига дўқ-пўписалар тўла қўнғироқлар қилинибди, ювалоқ хатлар жўнатилибди. Газетада мақола чиққач куниёқ ўша комсомол ходими менга қўнғироқ қилиб, Кружилин ва Ҳисомовга бундай гапни айтганим йўқ, деди. Рост қайда, ёлғон қайда: ана энди аниқлаб олаверинг.

«Йиқилганни тепма» шеърининг таҳлили ҳам аввалги «таҳлиллар» каби шу қадар майда ва бачкана. Мана, шеърнинг ўзи:

Йиқилганни тепма. Ҳар
ҳолда марҳум...
Тўғри, у йиқилди, лекин
ҳар ҳолда
Сену менга ўхшаб
йиқилмади-ку.
Ўлмади-ку, балиқ
қилтаноғидан,
Ўлмади у болиш
қилтаноғидан.
Унинг томоғига туғ
тиқилган, бил,
Йиқилса ҳам унинг ланг
оёғига
Байроқлар ўралиб
йиқилгандир ул.
1985.

Бу шеър — ўрта аср ҳукмдори ҳақида. Шеърнинг маъноси шулки: бу золим «ҳукмдор» ғалабалардан «тиқилиб ўлди», оёқлари остига ташланган — таслим бўлган халқларнинг туғларига ўралашиб йиқилди.

Бу фикрни зукко рус шеърхони, таржима ҳар қанча бузилган бўлса ҳам англаб олади. Чунки асосий истиоралар таржимада ҳам сақланган. Бироқ мақола муаллифлари ёки атайлаб, ёки бадиий жаҳолат туфайли бу шеърни Рашидовга тарафдозлик деб ҳисоблашибди.

«Совет Ўзбекистони» таржимонлари шеърни шу қадар бузганки, кўриб ўз кўзингга ишонмайсан. Уларга шуни айтиш лозим: бу мақола эмас, шеър.[1] У 1986 йилда Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида чиқарилган «Олис табассум сояси» китобида босилган. Лоақал она тилимизни ҳурмат қилинг.

Мақола муаллифлари ёзадиларки, Ёзувчилар союзининг секретари ўз мансабини суиистеъмол қилиб, Францияга таклифнома олган. Таклиф 1988 йилнинг апрель ойида қилинган эди. У пайтда мен амалимни суиистеъмол қила олмасдим, чунки ҳеч қаерда ишламас эдим. Шеърларим таржима учун режалаштирилганлиги сабабли Францияга шоир сифатида таклиф этилганман.

Ю. Кружилин ва И. Ҳисомов «пахтани қайта ишлашнинг экологик зарари»ни изоҳлай туриб, «XIX партконференциясига таклифлар»да айтилган фикр — ўзбек ишчи синфи йўқлиги ҳақидаги асосий масала ҳусусида лом-мим демайдилар.

Ахир, улар пахта хом ашёсининг 92 процентини ташқарига жўнатаётганимизни ва ҳозирча тайёр маҳсулот республика ташқарисида ишлаб чиқарилар экан, турмушимиз ўзгаришсиз паст даражада қолаверишини билмаслиқлари мумкин эмас-ку.

Бу янги гап эмас. «Партия X съезди резолюциялари»да айтилганидек, тенгсизлик энг аввало шунда мужассам эдики, Россиянинг мустамлака ёки ярим мустамлака ҳолатида бўлган (айниқса Туркистон) бу ўлкалари марказда қайта ишланаётган ҳар хил маҳсулотларни етказиб берувчи ролида зўрлик билан ушлаб келинарди. Бу уларнинг доимий қолоқлигига сабаб эди ва саноат пролетариатининг пайдо бўлишига, бунинг устига ривожланишига халақит берарди.

Кружилин ва Ҳисомов Ўзбекистонни афғон тупроғи билан солиштиришни таклиф қилади. Бироқ улар Бухоро газ қувурлари кўплаб қулбаларни четлаб ўтишларини бошқалардан кам билмасалар керак. Қачонгача бизнинг уйимизда шам эмас, чироқ ёниб турибди, деб ғурурланиб юраверамиз?..

Бизга нима керак, нима керакмаслигини сизлар белгилаб берасизларми, ўртоқ Ю. Кружилин ва И. Ҳисомов?

Ҳа, бизга заводларнинг тутунлари эмас, тоза ҳаво керак. Қовжираган саҳро эмас, лиммо-лим дарё, Орол керак, монокультура эмас, ям-яшил ўтлоқзорлар, яйловлар, боғлар керак. Майиб-мажруҳлар эмас, соғлом оналар ва болалар керак. Бизни боқаётган тупроқ, Ватан ҳақли равишда биздан мадад кутади.

Муҳаммад СОЛИҲ.

1). Редакция шеър билан мақоланинг фарқини билади. Лекин таржимоннинг айби билан шеърнинг айнан ўзи келтирилмай, унинг изоҳи берилган, мақола текстида ҳам «қуйидаги мазмунда баён қилинган» деб кўрсатилган («Совет Ўзбекистони» редакцияси).

• *Шифокор огоҳлантиради*

ГРИПП — ХАВФЛИ ХАСТАЛИК

Умумжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг хабарига кўра, шу кунларда кўпгина мамлакатларда грипп касаллиги кенг тарқалган. Айрим хорижий мамлакатларда эса вируснинг илгари кам учраган тури тарқалиб, кўпчиликни, айниқса, болаларни дардга чалинтирмоқда.

Тана ҳарорати кўтарилиб, бош оғриши, лоҳаслик, аъзойи-бадан зирқираб оғриши, акса уриш, бурундан сув оқиши, баъзан эса бурун қонаши каби аломатлар гриппга хосдир. Хасталик тўсатдан бошланади. Бунда баъзи беморлар ўзларича турли дори-дармон ичадилару, бу даво ўрнига зарар келтиришини ўйлаб кўрмайдилар. Шифокор буюрган дорилар миқдорини ўзибилармонлик билан ўзгартириш ҳам ярамайди.

Гриппнинг тарқалишига йўл қўймаслик учун беморни бошқалардан алоҳида хонага ётқизиш жоиз. Бемор фойдаланган дастрўмол, сочиқ, идиш-товоқлар қайнатилиши керак. Хонани ҳар куни шамоллатиш, полни эса бир процентли хлорли оҳак ёки хлорамин эритмаси билан ювиш лозим. Гриппга чалинган бемор согаймагунча ишга бориши, транспортда юриши, мактаб ва болалар муассасаларига кириши мумкин эмас. Вақтида даволаниш, врач маслаҳатларига амал қилиш касалликдан тез фориғ бўлишни таъминлайди. Асоратлар рўй бермайди. Грипп эпидемияси даврида эрталаб ва кечқурун бурунга «Оксолин» мази суртиб туриш мақсадга мувофиқ.

Ш. ШОВАҲОБОВ,
медицина фанлари кандидати.

ХРОНИКА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Ўзбекистон ССР Давлат агросаноат комитети раисининг биринчи ўринбосари ўртоқ Виктор Александрович Антонов бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан уни Ўзбекистон ССР министри вазифасидан озод қилди.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Ўзбекистон ССР Давлат агросаноат комитети раисининг биринчи ўринбосари ўртоқ Ислом Султонович Умаров бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан уни Ўзбекистон ССР министри вазифасидан озод қилди.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

• *Тингланг, томоша қилинг*

7 ЯНВАРЬ, ШАНБА

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

МТ-I. 7.00 — «120 минут». 9.05 — Метроном. 9.50 — Ҳужжатли фильм. 10.20 — «Умрнинг боқий бўлсин, Ер!» 11.20 — Бутуниттифоқ китобхонлар конференцияси. 12.35 — Кампучия Халқ Республикаси миллий театри артистларининг концерти. 13.05—Ҳокимият — Советларга! 13.35 — Халқ ижодиёти. 14.05 — Социализм мамлакатларида. 14.35 — Ҳамма учун ва ҳар бир киши учун. 15.05 — Дунё воқеалари. 15.20 — Мўъжизасиз мўъжизалар. 16.20 — Лаъли-Бадахшон ансамблининг концерти. 16.35— Мультфильм. 17.55 — Ёш вокалистлар концерти. 18.55 — Халқаро программа. 19.55 — СССР халқ артисти А. Папанов иштирокида фильмлар. 21.30— Время. 22.05 — Сайловлар: Фактлар ва шарҳлар. 22.15 — Музикали ринг. 00.15 — Янгиликлар.

МТ-II. 8.30 — Гимнастика. 8.45 — «Трест» операцияси». Бадиий фильм, 4-серия.. 10.10 — Орзу бўлган экан. 11.05 — Мультфильм. 11.50 — «Буюк эртакчи сири». Бадиий фильм. 13.05 — Концерт. 13.30 — Бутуниттифоқ аҳолини рўйхатга олиш. 14.00 — Мультфильмлар. 14.50 — Реклама. 14.55 — Ҳужжатли фильм. 16.00 — Чанги спорти. 17.15 — Телетанишув. И. Роднина. 18.45 — Концерт. 19.45 — 1988 йил шахмат ўйинлари. 20.30 — Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.45 — ...16 ёшгача ва ундан катталар. 21.30 — Время. 22.05 — Сайловлар: фактлар ва шарҳлар. 22.15 — 12.20 — «Петербурглик инкогнито». Кинокомедия. 13.35 — Рассом ва китоб. 14.15 — Ҳужжатли экран. 15.00 — Қайта қуриш йўлидан. 15.30 — Театр ва замон. 16.15 — Буни ҳамма билиши ва уддалаши керак. 17.55 — Болалар учун фильм. 19.30 — Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий туғилган кунининг 100 йиллигига. 20.00 — Ахборот. 20.20 — Фитиль. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Эстрада калейдоскопи. 21.30 — Время. 22.05 — Сайловлар: фактлар ва шарҳлар. 22.15 — К. Раҳимов куйлайди. 23.15 — «Сиёвуш ҳақида достон». Бадиий фильм, 2-серия.

УзТВ-II. Душанба. 18.05 — Қишки каникул кунларида. 18.45 — Жаҳон бир ҳафта ичида. 19.00 — Ахборот. 19.20 — Музикали программа. 20.00 — Ахбор. 20.20 — Телефильм. 20.40 — Кино оламида. 21.30 — Время. 22.05 — «Микрорайондаги жин». Бадиий фильм.

РАДИО

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Ўзбек халқи қўшиқлари. 9.30 — «Ешлик». 10.15 — «Дугоналар». 11.30 — Спорт программаси. 12.10 — «Строитель Узбекистана». 12.30 — Концерт. 12.50 — Шеърий лаҳзалар. 13.00 — Ўзбекистон чорвадори. 13.30 — Хатларингизни ўқиб... 14.00 — Қишлоқ хўжалик ходимлари учун эшиттириш. 15.30 — «Қувноқ танаффус». 16.00 — Совет Иттифоқига хизмат қиламан! 17.00 — Ўзбекистон композиторлари — радио меҳмони. 18.15 — Миллий яраш йўлидан. 18.30 — Концерт. 19.20 — Ешлик. 19.50 — Халқаро кундалик. 21.10 — Шанба оқшомида. 22.45 — Тошкент ҳақида қўшиқлар. 23.00 — Оқшом тўлқинларида.

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси президиуми Сейсмология институтининг директори

ВАКАНТ ВАЗИФАСИГА

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Конкурсда қатнашишга тегишли ихтисослик бўйича фан доктори илмий даражасига эга бўлган кишилар қўйилади.

Конкурсда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатларни тавсия этиш лозим: кадрларни ҳисобга олиш шахсий варақаси, 4 дона фотосурат, таржимаи ҳол, олий ўқув юртини тамомлаганлик, илмий даража берилганлиги тўғрисидаги дипломлардан нусха, эълон қилинган ишлари рўйхати, номзодни тавсия этиш ҳақидаги протокол, номзоднинг программаси лойиҳаси ҳақидаги доклад.

Номзодлар кўрсатиш ҳуқуқи Ўзбекистон Фанлар академиясининг бўлими ва Президиумига, илмий муассасаларнинг илмий советлари ва коллективларига, олий ўқув юртларига, проблемалар бўйича ишлаётган советларга, жамиятлар ва ассоциацияларга берилади.

Ҳужжатларни тавсия этиш муддати — 20 январгача.

Ҳужжатлар қуйидаги адресга юборилсин: 700000, Тошкент шаҳри, ГСП, Гоголь кўчаси, 70-уй. Ер ҳақидаги фанлар бўлими. Телефон: 33-32-83.

Ўзбекистон ССР физкультура ва спорт давлат комитети

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ФИЗКУЛЬТУРА ИНСТИТУТИ

профессор-ўқитувчилар составидаги вакант вазифаларга

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Доцентлар: фалсафа (2), жисмоний тарбия назарияси ва методикаси, гимнастика (0,5);

катта ўқитувчилар: волейбол, сузиш;

ўқитувчилар: енгил атлетика (педагогика факультети), енгил атлетика (тренерлик факультети), қўл тўпи, бас кетбол.

Конкурс муддати — эълон чиққан кундан бошлаб бир ой.

Ҳужжатлар қуйидаги адресга жўнатилсин: 700052, Тошкент шаҳри, Новомосковская кўчаси, 2-уй, кадрлар бўлими. Телефон 68-08-28.

БЕРУНИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ ҚОШИДАГИ ЎРТА ОСИЁ РЕГИОНИДАГИ ЎРТА МАХСУС ЎҚУВ ЮРТЛАРИ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ФАКУЛЬТЕТИ (ФПК ПССУЗ)

1989 йил учун қуйидаги план бўйича

ТИНГЛОВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

I поток

Педагогик маҳорат.
Информатика ва ҳисоблаш техникаси.
Техник механика.

II поток

Бўлим мудирлари.
Қурилиш фанлари.
Экономика.

III поток

Информатика ва ҳисоблаш техникаси.
Электротехника.
Чизмачилик.

IV поток

Педагогик маҳорат.
Геодезия.
Қурилиш фанлари.

Ўрта махсус ўқув юртлари ўқитувчиларининг малакасини ошириш факультети ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда педагогик маҳорат бўйича таълимни ташкил этишни планлаштирмоқда.

Шартномалар тузиш учун буюртмалар қуйидаги адресда қабул қилинади: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 13-уй, 2-корпус, 52-хона. Телефон: 41-15-12.

Театр

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 7/I да **Севилья сартароши** (12.00), **Уйқудаги гўзал** (17.00), 8/I да **Уйқудаги гўзал** (12.00), **Евгений Онегин** (17.00).

«Ўқитувчи» нашриёти коллективи нашриёт ходими С. Дадамуҳамедовага онаси

Шоҳида МУЛЛАЖОНОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ●

• *Футбол*

«ПАХТАКОР», АҲВОЛ ҚАЛАЙ!

• БОШ ТРЕНЕР БИЛАН МУЛОҚОТ

Б. Абдураимов:

— Умуман ёмон эмас. Пахтакорчиларнинг кайфиятлари яхши. Зотан, минглаб мухлислар олдида қарздормиз десаммикин ёки уятлимиз десаммикан?! Буни эътироф этмай иложимиз йўқ. Тўғри, сўзимиз амалда рўёбга чиқмаётганига икки йилдан ошди. Мен коллективга бош тренер қилиб тайинланган бурноғи йилиёқ олий лигага чиқишни орзу қилганман. Ўша мавсумнинг қандай якунлаганимиз ҳаммага аён. Бултурги аҳволимиз, яъни мавқеимизда бироз ўзгариш бўлди-ю, лекин кўнгил тўлмади. Яна ҳамманинг олдида ваъдабозга айланиб қолдик. Бу борада кўп мулоҳаза ва чуқур фикр юритиб, сўз айтишимизга қарамай, ниятимизга эришолмаяпмиз.

— Биродар Ҳасанович, гапни бўладиганидан бошлаб тўғри қилдингиз. Кўпчилик шу ҳақда ўйлайди. Икки йил аввал сизни, яъни ўз даврида республика футболига шуҳрат келтирган Абдураимовни пахтакорчиларга тренер бўлиши ҳамма учун орзу эди. Шунинг учун бўлса керак, шогирдларингиз биринчи йилиёқ кўпдан амалга ошмай келаётган, қолаверса, олий лигага чиқиш муддати чўзилиб кетаётган муаммони тезроқ ҳал этишга чоғландилар. Мавсум олдидан айтган шунга оид андак баландпарвоз сўзларингиз мухлисларни руҳлантириб юборди. Кейинги йилларда республика пойтахтидаги йирик спорт маскани — «Пахтакор» стадиони ҳар бир учрашувда лиқ тўладиган бўлди. Гарчанд, натижалар кутилгандек бўлмаса-да, мавсум охиригача ҳеч кимда ишонч йўқолмади. Айтингчи, командага сиз раҳбарлик қилаётган дастлабки йил билан ўтган мавсумда стадионга 330 минг мухлисни кам келганини қандай тушуниш керак?

— Айтишадики, команда ҳужумга қанчалик зўр берса, очколар йўқотмаса, айниқса ўз майдонида мароқли ўйинлар кўрсатса ишқибозлар қувончига қувонч қўшилиб, уларнинг давраси кенгайиб боради. Ошкора айтадиган бўлсак, биз бу борада бироз янглишдик. Ўтган мавсумнинг биринчи даврасида имкониятларни бой бериб, қимматли очколар йўқотдик. Бу, мухлислар ҳафсаласини пир қилди. Мавсум бошида стадионни тўлдириб ўтирган ишқибозлар сони кейинги ўйинларда камайиб, ҳатто улар 21 минг кишига тушиб қолган пайтлар ҳам бўлди. Хатони тузатишга иккинчи даврада зўр бериб қилинган ҳаракатлар ҳам наф келтирмади. Начора, мухлисларга осон тутмайман. Зеро, бундай камчиликлар пахтакорчилар учун аччиқ сабоқ бўлиши, табиий.

— Кейинги пайтда Москванинг «Спартак» командасида бўлган воқеа кўпчиликни ҳайратга солмоқда. Бош тренер К. Бесков футболчиларнинг ярмини тарқатиб юборармиш ёки спартакчилар ўз устозларидан воз кечишармиш, деган сўзлар мунозараларга сабаб бўляпти. Пахтакорчилар ўртасида бундай низоли «гап»лар бўлмаса-да, ҳар қалай сизни тренерликдан олиб, команда бошлиги этиб тайинлаш тўғрисида ҳам фикрлар бор. Бундай ўзгаришга (албатта, у амалга ошаётган бўлса) пахтакорчилар қандай қарашмоқда?

— «Ойни этак билан ёпиб бўлмас», деганларидек «айтилган гап — отилган ўқ» экан-да. Ҳеч жиддият касб этмаган бу фикрни тез тарқалганига ҳайронман. Ошкоралик замони, начора! Ҳамма дилидагини айтади. Бундай мулоҳазалар республика спорт комитетининг футбол бўлими ҳамда ветеран спортчилар томонидан билдирилди. Сирасини айтишим керак: командани орзу қилинган даражада камолотга етказиш, коллективда туб бурилиш ясаш борасида ҳали ўз имкониятларимдан тўлиқ фойдаландим, дея олмайман. Ишни албатта, кўпчилик ҳал қилади. Агар мени ёшларга устозлик қилишдан кўра команда бошлиғи сифатида ташкилий ишларни ўрнига қўяди, деб ўйлашса ҳам начора. Афсуски, футболчиларнинг аксарияти бундай фикрга қўшилмаяптилар. Коллективнинг ўзагини ташкил этиб турган Денисов, Яновский, Ковшов, Бондаренко, Билолов, Пятницкий, Постнов, Кожухов, Нортожиевлар бир овоздан коллективга тренер бўлиб қолишимни талаб қилмоқдалар.

— Пахтакорчиларни бу борадаги истак ва талабларини тўғри тушунмоқ зарур. Сабаби, икки йил мобайнида коллективда яхлитлик, ўзаро ҳамкорлик, дўстона муносабат ва интизомни мустаҳкамлашда силжишлар бўлди. Бунда сўзсиз сизнинг хизматингиз бор. Афтидан, янги мавсум команда учун яна бир зўр синов йили бўладиган кўринади. «Пахтакор»ни олий лигага қайтиши, умуман республикада футболнинг оммавийлигини таъминлаш учун нималарга кўпроқ эътибор бериш керак, деб ўйлайсиз? Иккинчи лиганинг Ўзбекистон зонасида куч синашаётган командаларимизнинг ҳар йили юқори лигага ўтиш турнирида имкониятларини бой бериб қўйишаётганига сабаб нима?

— Ҳолва деган билан оғиз чучимас экан. Олий лига ҳақида гапиришни яхши кўрамиз. Лекин унга чиқиш осонмас. Бу — катта меҳнат, ташкилотчилик, тадбиркорлик, омилкорлик, қолаверса, ишбилармонликни тақозо этади. Ҳар бир футболчи — жонли инсон. Биз уни қайси шаҳардан, қандай командадан таклиф этмайлик, ундаги маҳорат, тўғрироги, «яширин имкониятлари»ни чамалашга ҳаракат қиламиз. Ўйнатиб кўрамиз, сўзини оламиз, йўлга соламиз. Оқибатда, ҳар бешидан бири замонавий футбол талабига жавоб беради ёки йўқ... Иттифоқ ва республика шаҳарларини кезиш, футбол мактабларига ташриф буюришлар ҳам шундан далолат. Коллективга футболчи танлашда ёрдамчи тренерлар, қолаверса, пахтакорчилар билан бамаслаҳат иш юритишга ҳаракат қиламиз. Қизиғи шундаки, Ўзбекистон командаларида лаёқатли футболчини тополмай қийналяпмиз. Шундай бўлгач, бу коллективлар қандай қилиб юқори лигага ўтиш турнирида муваффақият қозониши мумкин? Назаримда, кадрлар танлаш, жой-жойига қўйиш, улардан ўринли фойдаланишга кўпроқ аҳамият бериш керак. Республика футбол мактабларига бўлган талабни ошириш зарур. Маҳоратли футболчилар тайёрлаш тўғрисида қайғуришимиз лозим.

— Ҳалокатга учраган «Пахтакор» командасининг хотирасига 10 йил бўляпти. Бу санани муносиб нишонлаш учун футболчиларни мавсумолди учрашувларидан фойдаланиш масаласига қандай қарайсиз? Мамлакатдаги кучли командаларни ўйинга таклиф этиб, баҳорги турнир ўтказилса мавсумга тайёргарликда аҳамият касб этармиди? Шу муносабат билан пахтакорчиларнинг дастлабки машқлари, коллектив составидаги ўзгаришлар хусусида ҳам фикр билдирсангиз?

— Инсонни хотирлаш — хайрли иш. Шундай турнир ўтказилса ёмон бўлмайди. Бундан мухлислар ҳам, командалар ҳам ютади. Собиқ пахтакорчиларга ўхшаб ҳалокатга учраган Италиянинг «Торино», Англиянинг «Манчестер Юнайтед», Перунинг «Альянс» клубларини таклиф этиб, халқаро турнир уюштирилса ва унинг ҳал қилувчи учрашуви ўша хотира кунига белгиланса, айни муддао бўларди. Бу республика спорт комитети мутасаддиларининг тадбиркорлиги ва ташкилотчилигига боғлиқ. Иложи бўлса, республика спорт комитети биноси ёнига ўрнатилган ёдгорлик ҳам «Пахтакор» стадиони олдига олиб ўтилса, кўпчиликка маъқул келса керак.

Энди командамизнинг бу йилги тайёргарлиги ҳақида икки оғиз сўз. Футболчилар ўтган йилнинг сўнгги ўн кунлиги бошида йиғилишиб, дастлабки машқларга киришдилар. Ҳозир умумжисмоний ҳаракатларга зўр беряпмиз. Кейинги шанба куни иккинчи лиганинг бирор коллективи билан ўртоқлик учрашуви ўтказамиз. Биринчи лига командалари соврини учун баҳсларда ҳам муваффақиятли қатнашишга ҳаракат қиламиз. Чемпионат арафасида Болгарияда ўтадиган халқаро мусобақага ҳам борамиз.

Команда составида бироз ўзгаришлар бўлди. Жумладан, москвалик торпедочи Виктор Кобзев билан ростовлик армиячи Владимир Шчербак коллективимизга қўшилишга рози бўлишди. Бундан ташқари Саратовнинг «Сокол» командасидан А. Герин билан И. Логуновни ҳам таклиф этганмиз. Республика ўринбосарлар коллективидан Мустафо Байрамов, Шуҳрат ва Санжар Мақсудовлар, Чекин ва «Пахтакор» мактаби талабаси Гелеевлар ҳам сафимизга қўшилдилар. К. Новиков, Ф. Исломов, И. Аҳмедовлар жароҳатлари тузалиб, саломатликлари мустаҳкамлангач, командага қайтишади. Тренер В. Каминский билан футболчи А. Михел «Пахтакор»ни тарк этишди. Кабаев, Грюдюшко, Шавейко, Сараевлар бошқа коллективларда ўйнашни ихтиёр этишди. Яқин кунларда шубҳасиз, команданинг асосий состави таркиб топади. Мақсад — коллективда туб бурилиш ясаб, соғлом муҳитни юзага келтирган ҳолда эзгулик сари интилиш.

Суҳбатни Ҳ. НОСИРОВ олиб борди.

Суратда: М. Қосимовнинг қувончи.

Е. БОТИРОВ фотоси.

Редактор У. УСМОНОВ.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» («Советский Узбекистан») Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

БИЗНИНГ АДРЕС: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19, пропаганда — 32-55-70, саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09, қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70, совет қурилиши — 33-15-20, 32-57-20, 32-54-18, фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21, адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16, ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, халқаро ҳаёт — 32-54-14, хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 32-53-16 32-53-20, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06, коммунистик ахлоқ — 32-54-29, фельетонлар — 32-54-27, иллюстрация — 32-57-22.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Газета офсет усулида, А—2 форматида босилади.

Р. — 11509. Б. — 6. ИНДЕКС 64583. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12